**Маънавият — жамият тараққиётини белгиловчи асосий мезондир. Чунки одамларнинг маънавияти юксалгандагина жамиятда тинчлик, хотиржамлик ва тараққиёт бўлади.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**


*O‘zingni angla!*

# Hurriyat

*Mustaqil gazeta*

2024-yil
13-noyabr
chorshanba
№ 45 (1420)

Gazeta 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ★ www.uzhurriyat.uz ★ gazhurriyat@mail.ru ★ t.me/hurriyatuz ★ Hurriyat gazetasi


УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

## КИТОБСЕВАР МИЛЛАТМИЗ

*Нурафшон шаҳридаги Президент мактаби ва ҳудудий ихтисослаштирилган масканларга 10 номдаги 720 дона китоб туҳфа этилди*

**Мактаблар, Ахборот-кутубхона марказлари, бир сўз билн айтганда, таълим муассасаларига янги китобларнинг кириб бориши – ушбу даргоҳларда таълим олувчилар, мутолаа билан шуғулланувчилар онгу шуури илму маърифат зиёсидан янада кўпроқ баҳраманд бўлишига янги имкониятлар яратилиши демакдир.**

**Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва уюшманинг Тошкент вилояти бўлими ҳамкорлигида Нурафшон шаҳридаги Президент мактабида “Китобсевар миллат” шиори остида “Китобхон болалар” ва “Дунё даҳолари” туркумида чоп этилган китоблар тақдимотида шулар ҳақида сўз юритилди.**




Уюшманинг Тошкент вилояти бўлими раиси Раҳматилла Шералиев олиб борган тадбирда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в.б. Холмурод Салимов кейинги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимиз ёш авлоди билимли, салоҳиятли инсонлар бўлиб улғайиши учун китобхонлик ривожига жуда катта эътибор, ғамхўрлик кўрсатилаётгани, жумладан, тақдим этилаётган нашрлар ҳам болалар ва ўсмирларнинг ақлий, маънавий юксалишига хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Маросимда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Тошкент вилояти бўлими раиси Маҳмуд Тоир, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг вилоят бошқармаси бошлиғи Зарифа Эралиева ва бошқалар китобнинг бола интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, дунёқарашини кенгайтиришдаги ўрни ҳақида сўз юритди.

– Болалар, ўсмирлар учун китобларнинг ташқи кўриниши, уларнинг безаклари мазмунли ва ёрқин бўлиши ҳам аҳамиятли, – дейди Зангиота тумани ахборот-кутубхона маркази раҳбари Сурайё Аҳмедова. – Бугун тақдим этилган китоблар жуда сифатли чоп этилган. Улғайиб келаётган болалар турли соҳаларда катта муваффақиятларга эришган машҳур инсонлар ҳаётига қизиқадилар. Улардан ибрат олишга интиладилар. “Дунё даҳолари” туркумидаги китоблар ёшларнинг айни мана шу маънавий эҳтиёжларига мослиги билан ҳам қимматлидир.

Тадбир якунида пойтахт вилоятининг 21 та ахборот-кутубхона марказларига, вилоят болалар кутубхонасига, Нурафшон шаҳридаги Президент мактабига, ҳудудий ихтисослаштирилган мактабларга 10 номдаги 720 дона китоб туҳфа этилди.

4-б.

СИЁСИЙ ЭССЕ




**Таниқли олим, тарих фанлари доктори, Қуролли кучлар академияси профессори Карим Нормотовнинг “Янги Ўзбекистон бунёдкори” деб номланган сиёсий эссеси яқинда Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлар академияси томонидан китоб ҳолида чоп этилди. Ушбу китобда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан миллий кадрлар тайёрлаш ва мамлакат тараққиёти йўлида олиб борилаётган оқилона сиёсат жадид боболаримизнинг бебаҳо панд-насиҳатлари, эзгу ғоя ва дастурларига ҳар жиҳатдан уйғун ва ҳамоҳанглиги, шунингдек, раҳбар кадрларнинг вазифаси, бурчи ва масъулияти, соҳалар бўйича кадрлар муштараклиги ҳамда стратегик тараққиётнинг истиқболи хусусида атрофлича сўз юритилган.**

**Қуйида мазкур китоб муқаддимасидан олинган мақола қисқартирилган ҳолда эълон қилинмоқда.**

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ

Янги Ўзбекистонни дунёнинг ривожланган, қудратли мамлакатига айлантириш йўлидаги орзу-интилишларимизни рўёбга чиқариш учун табиий ҳаёт тагзамини ва захиралари етарли даражада имконият яратиб бермоқда. Эзгу мақсадларга эришиш, жаҳоннинг ўта равнақ топган давлатлари қаторидан жой олиш, суверен, демократик, ҳуқуқий ижтимоий ва дунёвий давлат ҳамда фуқаролик жамиятини бунёд этишда раҳбарлар ва масъулларнинг ақлий салоҳияти ва маънавий дунёқараши ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйидаги сўзлари айни муддаодир: *“Биз ўтказаётган сиёсатнинг рўёбга чиқиши раҳбар кадрлар фаолияти билан узвий боғлиқ. Бугунги ҳаётимизнинг қайси масалалари ва вазифалари ҳақида, қайси истиқболлари ҳақида гапирмайлик, бошқариш ва ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида ҳамма нарса бугун кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалади”.* Давлат хизматининг обрў-эътибори ҳокимият ваколатларини амалга оширувчи субъект сифатидаги раҳбар кадрларнинг бошқарув маҳорати, масъулияти ва маънавий-маърифий даражасига, унинг касб маҳорати ҳамда дунёқарашига боғлиқ.

2-б.

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

## СЎЗ ЭРКИНЛИГИ МАДАНИЯТСИЗЛИК БАЗМИ ЭМАС!

***“Республика Маънавият ва маърифат маркази, АОКА, Маданият вазирлиги, Кинематография агентлиги, МТРК, Ўзбекистон Миллий медиа бирлашмасининг қарори билан теле- ва радиоканаллар ҳамда ижтимоий тармоқлар учун тайёрланаётган медиамаҳсулотлар, хусусан, сериал, мультфильм, кино ва қўшиқларни “маънавий экспертиза”дан ўтказиш тартиби жорий этилди”* — бу хабар жуда кўп зиёлилар, устозлар, ёши улуғлар, мулоҳазали-мушоҳадали ота-оналарни хурсанд қилди.**

**Эркин фикрлар очиқ майдонида айни янгиликни “Маънавият ниқоби остида цензура ўрнатилмоқда”, деб кутиб олганлар ҳам оз эмас.**

Масалан, мен — ақлимни таниганимдан буён ашула ва қўшиқлар билан ҳамнафас яшаган одам, қарийб кейинги чорак асрдан буён ҳар қандай янги қўшиқни, албатта, маънавий ва адабий меъёрлар элагидан ўтказиб, шундан кейингина миллион-миллион томошабинлар эътиборига ҳавола этиш керак, деган фикрдаман. Бу таклиф бошқалар томонидан ҳам кўп айтилди, қай бир радио ва телеканаллар қошида экспертиза гуруҳлари тузилгандек ҳам бўлди, лекин қоғозда қолиб кетди. Бизнинг топган-эришганимиз шу бўлдики, айрим қўшиқ (бошқа нима ҳам дердик?!)лар матни, ижроси, ижрочининг кийимию хатти-ҳаракатларидаги мантиқсизлик, беҳаёлик, шармандалик, олди-қочдилар ҳар қандай қуюшқонларни ёриб ташлади.

...Инсоннинг маънавий эҳтиёжлари жисмоний эҳтиёжлари билан эгизак туғилармикин? Эсимда, ёшлигимда уйимизнинг пастак дераза токчасига қўйилган усти ранглар мато билан қопланган радиочамизнинг ёнига ўрнашволиб... кўзларим дўппи гулларида, қўлларим қатим тортар, ўзим радиодан тараладиган ашулалар оламида бўлардим.

***Айдингиз жанонима жаврини***
***кўп орттирмасин,***
***Ишқ бозорида жисмим поралаб***
***соттирмасин.***
***Ўзгалар базмида танҳо жилва айлаб***
***ҳам яна***
***Бир рақибим элчи айлаб кулбама***
***чоптирмасин...***

Ахир бу дилбар оҳангга вобаста Нодира ғазали тўрт қатор шеър эмас, ажойиб кинoновелла лавҳалари-ку! Шу пайтгача дилимда, тилимда қолган жуда кўп ашулаларнинг деярли ҳаммаси бундан эллик, олтмиш йиллар олдин уларнинг мазмунига мафтунлигимдан, хонандаларнинг ёқимли овозию юрагининг ҳарорати билан хотирамга ўз-ўзидан ёзилиб қолган.

3-б.

ЧОРЛОВ

## Халқ дилининг кўзгуси

**Ҳар чоршанба эрта тонгдан кўнглимда ажиб туйғу ҳукмрон бўлади. Ҳа, бугун биз севиб ўқийдиган “Hurriyat”ни мутолаа қиламиз. Бугун бизга қандай қизиқарли мақолалар туҳфа қилинар экан? Дангал айтиб қўя қоламан: агар сизда кўпчиликни ўйлантирадиган, фикрингизни янги мавзулар билан ошно қиладиган мақола, эссе, шеър ўқиш истаги бўлса, маслаҳатим — “Hurriyat”га обуна бўлинг!**

Газетада эълон қилинадиган публицистик чиқишлар, очерк ва репортажлар ҳаётий, самимий ва газетхон қалбига етиб борадиган тилда ифодаланган бўлади. Бугунги кунда зиёлилар қандай ўй билан банд, ҳаётимизда қандай долзарб муаммолар бор, уларнинг ечими қай тахлит ҳал этилиши кераклиги ҳақида ҳикоя қилади. Мен Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Хуршид Дўстмуҳаммад ҳақида кўп нарсани биламан деб юрардим. Лекин “Hurriyat”нинг 3 июль сонида Дилмурод Қирғизоевнинг устоз ҳақидаги “Ҳазрати инсон ибрати” мақоласини ўқиганимда, адибимизнинг яна кўп қирраларини кашф этдим.

Жамоатчилик орасида Ватанимиз тарихи ҳақида жуда кўп саволлар, муаммолар мавжуд. Президент Шавкат Мирзиёевнинг тарихимиздаги оқ доғлар ҳақида қуйидаги фикрига назар ташланг: “Соҳибқирон Амир Темурнинг Тўхтамишхонга қарши жанги ҳақида ўқиб чиқдим. Амир Темур бу жангда еттита усулни қўллаган экан. Жасорати, ўз аскарларини мардонавор тарбиялаши билан бирга, жангларни ҳам ўзи бошқарган. Ўзим учун бу янгилик бўлди. Кейин кимдир шу жанг усулини ўрганган билан қизиқдим. Ҳеч ким ўрганмаган экан. Энг аввало, боболаримизнинг усулларини ўрганмоғимиз керак”. “Hurriyat” газетаси ана шу маънавий эҳтиёжни ҳисобга олиб, шу йил 1 ва 9 октябрь сонларида ҳамкасбимиз Тўлқин Ҳайитнинг “Амир Темур ва Тўхтамишхон” сарлавҳали эссесини эълон қилди. Мақоланинг биринчи қисми газетхон эътиборига ҳавола қилинганда, жуда кўплаб муштарийлар эссенинг давомини қачон ўқирканмиз, деб сўраб-суриштирганларига гувоҳ бўлдим. Унда муаллиф Амир Темурнинг Тўхтамишхонга қилган рўшноликлари, бағрикенглиги ҳақида ишончли манбаларга таяниб ҳикоя қилади. Кейинчалик бу олийҳиммат-ликни тўғри баҳоламай хиёнат қилган Тўхтамишхон Соҳибқирон томонидан қандай жавоб олганини ҳаммамиз қизиқиб ўқидик.

Газетанинг аксарият сонларида сўнгги саҳифасида диққатга сазовор карикатуралар бериб борилади. Бу саккиз саҳифани қолдирмасдан ўқиган газетхоннинг озроқ ҳордиқ олишига, кайфиятини кўтаришга имкон беради.

Айниқса, устоз адиб ва журналист Аҳмаджон Мелибоевнинг “Hurriyat” саҳифаларида фаоллиги ҳамма ижодкорлар учун ўзига хос ибратдир. У кишининг 16 октябрь сонидаги “Тил — тирик организм” мақоласи ўзбек тилининг ҳаётимиздаги алоҳида мавқеи ҳақида ажойиб мақола бўлган. Уни ўқиганда ўзимиз ҳам тилга эътиборимиз давр талабидами, деб ўйланиб қоламиз.



Шунингдек, севимли газетамизда Муҳтарама Улуғованинг “Алласини йўқотаётган авлод”, Ҳумоюн Акбарнинг “Авесто: зардушт қўшиқлари”, Зулфия Юнусованинг “Маънавият негизида ватанпарварлик мужассам”, Ашурали Жўраевнинг “Асрни ҳайратга солган инсон” сарлавҳали мақолаларида бугунги кунимиз қаҳрамонлари, халқ ичидан чиққан замондошларимиз тафаккури хусусида жуда мароқли ҳикояларни ўқидик.

Дарвоқе, “Hurriyat” номининг ўзи ижодкорларда сўз эркинлиги учун майдон очади. Барчамиз учун кўнгил кўзгуси бўлган газетамиз ҳамиша муштарийлар эътиборида бўлсин.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.**




## ОБУНА – 2025

Ўзликни англаш — **“Hurriyat”**дан бошланади!
2025 йил учун обуна бўлишни унутманг!

**ОБУНА ИНДЕКСИ:**
якка обуначилар ва ташкилотлар учун – 233

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ

1-б.

Шунингдек, Президентимизнинг саккиз йил олдин ёзилган “Бугунги кун раҳбари” рисоласида қуйидагилар таъкидланди:

“— Биз юртимизда янги давлат, янги жамият қуриш йўлида қандай иш қилсак ҳам, барчасини халқимиз билан бамаслаҳат қиламиз;

— барчамизни тарбиялаган, вояга етказган шу халқ. Ҳаммамизга туз-насиба берган ҳам шу халқ, бизга ишонч билдирган, раҳбар қилиб сайлаган ҳам айнан шу халқ, халқ рози бўлса, ишимизда унум ва барака бўлади;

— барча даражадаги раҳбар ва масъул ходимларнинг оғзаки ва ёзма мурожаатлар билан ишлашга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш керак;

— раҳбарлар мунтазам равишда халқ орасида бўлиб, шахсий қабуллар ташкил этишлари, жойлардаги муаммоларни ҳал қилишлари зарур;

— бундан кейин жойлардаги раҳбарлар фаолиятига биринчи навбатда улар бошқараётган ҳудуддаги аҳолидан тушаётган мурожаатлар сони, уларнинг халқ ичидаги юриши, мавжуд муаммоларнинг амалий ечимига қараб баҳо берилади. Қисқа қилиб айтганда, раҳбарларга халқнинг ўзи баҳо беради”.

Ҳаёт тез суръатлар билан ўзгариб борар экан, шунга мувофиқ ҳар бир раҳбар олдига улкан ва ўта масъулиятли вазифалар қўйилди. Замонавий раҳбар бугунги ҳаёт билан ҳамқадам бўлиши, муаммоларни тезда англаши ҳамда уларнинг ечимига ҳаққоний жавоб топа олиши керак. Бунинг учун раҳбарлик вазифасига ўтирган ҳар қандай шахс нафақат ўз ишини яхши билиши, етарли билимларга эга бўлиши, балки халқ билан ҳамнафас яшаши, эл-юрт орзу-интилишлари ва дардларини англаши, бир сўз билан айтганда, юксак маънавий фазилатлар эгаси бўлиши, энг муҳими, уларни рози қилиши лозим.

Юртбошимизнинг: “Биз иқтисодий ўнгланиш, иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланишни маънавий ўнглаш, маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун бўлишини истаймиз”, — деган фикрларини амалга оширишда бугунги раҳбарнинг ўрни алоҳида.

Раҳбар — йўлбошчи, сардор, етакчи деган луғавий маъноларни англатиб, жамият, давлат ҳамда ташкилотда доимий ва ҳал қилувчи таъсирга эга бўлган шахс, шунингдек, ишнинг қаловини топган, жамоа, соҳа манфаатларини кўзлаб фаолият юритадиган бошқарув ходимидир. Ҳозирги шиддатли ривожланиш боскичлари раҳбардан ақл-фаросат, дид, куч-ғайрат, изланиш ва топқирликни, ўз устида тинмай ишлашни, тадбиркорликни талаб қилади.

Етакчилик масъулиятини ўз бўйнига олган ҳар қайси одам бу ҳақиқатни ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ англаши, эл-юртга қаратилган ҳар қандай зарбани ўзига олишга қодир бўлиши лозим. Сўнгги саккиз йилда бу жараёнлар Янги Ўзбекистон мақомини олган юртда мутлақо ўзгарди. Ҳозирги халқ замон зайлидан келиб чиқиб, янги қиёфага кирди, Янги Ўзбекистоннинг жаҳон андозаларига аъло даражада жавоб берадиган, инсон қадри қадрланган — Инсон капиталига айланди.

Раҳбарлик бошқарувида ҳамманинг иштироки ҳозир ва келажакда ҳам ҳар бир баркамол инсон томонидан амалга ошириладиган ватанпарварлик, бунёдкорлик, истиқболли юртни янада юксалтириш учун ҳалол ва покиза меҳнат қилиш ҳосиласидир.

Раҳбарлик баркамоллик мезони — фидойи бўлиш, ҳар бир ишга танқидий таҳлил нуқтаи назаридан қараш, қонун устуворлигини таъминлаш, тартиб-интизомга риоя қилиш, қатъиятлилик инсоний хислатларининг намоён бўлишидир. Шу боис ҳам талабчан ва бунёдкор Юртбошимизнинг янги мўъжизавий ташаббуслари етти йилда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар ва Тараққиёт стратегиясидаги вазифаларнинг қандай амалга оширилиши — ижро интизомига қатъий риоя қилиш жадал тараққиётнинг муҳим омили бўлиб, муҳтарам Шавкат Миромонович раҳбарлик мезонига алоҳида эътибор қаратмоқда, энг муҳими, қонун устуворлиги юқори поғонага кўтариляпти.

Раҳбар кадрларни қариндошлик, ҳамшаҳарлик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳолатларига йўл қўймаслик керак. Гуруҳбозлик, маҳаллийчилик, непотизм кўринишларини йўқотиш, шунингдек, ўз хизмат вазифаларини суиистеъмол қилмаслик раҳбар ходимлар қўядиган талаблар сирасига киради.

Раҳбар:

– манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уларни тартибга солиш юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўриши;

– коррупциянинг олдини олиш ва унга йўл қўймаслик чораларини кўриши;



– ходимларни самарали бошқариши, ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиши шарт. Раҳбар ўзига бўйсунувчи, хизматдаги ходимларнинг хулқ-атвор, юриш-туриши, тартиб-интизомга риоя қилишлари учун ҳам масъулдир.

Маълумки, одамлар ҳар хил бўлади, уларнинг юриш-туриши, феъл-атвори ҳам бир-биридан фарқ қилади. Лекин раҳбар бўлиб, шахсий масъулиятни ўз зиммасига олган шахс, ёқадими-йўқми, ҳар бир ходимга, аввало, ишнинг манфаатини кўзлаб, тўғри баҳо бериши керак. Шунинг баробарида унинг фидойилиги раҳбарга хос баркамолликда, донишмандлиги ва зукколигида намоён бўлади. Айни пайтда ғафлат ва бефарқлик, манманлик, маслаҳатсиз қилинган юмушлар қандай оқибатларга олиб келиши барчага маълум. Бу ҳолатлар бизни боши берк кўчага олиб бориши муқаррар! Илоё, Худонинг ўзи бундан асрасин!

Дарвоқе, 2023 йилнинг 8 май санасида Президент Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис палаталари аъзолари, сиёсий партиялар ва жамоатчилик вакиллари билан учрашув нутқида қуйидагиларни таъкидладилар: “Бизнинг уч минг йиллик давлатчилик тарихига бой ва бетакрор маданиятга эга бунёдкор халқимиз бор, қирқ миллионга яқинлашиб бораётган бугунги Ўзбекистон халқининг тақдири ва истиқболи, фаровон ҳаёти учун барчамиз масъул ва жавобгармиз, шу сабабдан юртимизда тинчлик ва барқарорликни асраш ва мустаҳкамлаш бундан буён ҳам энг муҳим вазифамиз бўлиб қолади”. Демак, миллий хавфсизликни таъминлаш, Қуролли Кучларимиз жанговар салоҳиятини оширишга қаратилган ишларимизни янги босқичга олиб чиқиш устувор вазифамиз ҳисобланади.

Кенгашиб иш тутиш халқимизнинг азалий одати. Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг: “Давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилишини англадим”, деганлар, аммо ўша даврда ҳам катта-кичик хатоларга йўл қўйилган ва айрим камчиликлар содир бўлган.

Очиғини айтиш керак, бизнинг ўта ёрқин кунларимизга, саккиз йилдирки, Янги Ўзбекистонга мустаҳкам тамал тоши қўйилди. Академик Азамат Зиё жуда ҳақ гапни айтган: “Бугун узоқ вақт илмимиз, сўнг у орқали халқимиз онгига сингдириб келинган сохта қолипларни чилпарчин этиш имконига эгамиз. Улардан бири буюк Соҳибқироннинг ўттиз беш йиллик ҳукмдорлик фаолияти гўёки тинимсиз уруш-талашларда ўтгани ҳақидаги тўқимадир”.

Тарих — Ҳақ тарихи олдида ялтоқланиб бўлмайди. Қарийб 130 йиллик тарихни сохталаштириб, ҳар хил кўйга солиб келдик. Айниқса, буюк Амир Темур тарихи — улуғ, ҳаққоний тарих маълум даражада тўқимага айлангани бор гап! Академик Азамат Зиё ёзади: “Дунёни Самарқанд атрофида бирлаштиришга эришган донишманд бобомиз мақсадига ҳарбий юришлар эмас, балки чуқур ва ҳар томонлама билим ҳамда кенгашлар орқали етганини баралла айтишимиз керак. Айтибгина қолмай, ўзбек давлатчилигига хос ушбу анъана — сиёсий маданият Янги Ўзбекистонда тиклангани ва натижаларини бераётганини ҳам урғулашдан тортинмаслигимиз лозим.

Мана, тўрт йилдирки, ҳар биримизнинг ҳаётимизда тенгсиз аҳамиятга эга маънавият ва маърифат ҳамда хавфсизлик масалалари таҳлилига бағишланган кенгашлар ишида қатнашиб келмоқдамиз. Ушбу йиғилишларга тегишли мансабдорлардан ташқари барча ижтимоий қатламлар вакилларининг таклиф этилиши бошида янгилик бўлса, энди табиийликка айланди. Энг муҳими, давлатимиз ва жамиятимиз учун ўта долзарб масалалар ечими устида бош қотиришга эл-улуснинг ўзи жалб қилинмоқда”.

Албатта, ўтган етти йилликда Янги Ўзбекистоннинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий соҳалардаги ташаббуслари халқаро майдонда фаол илгари сурилади. Энг аввало, қўшни давлатлар билан яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини жадал ривожлантиряпмиз. Ёш авлодни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, Ватанга муҳаббат ва Президентга садоқатини оширишга янада кўпроқ аҳамият берамиз, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат ва эзгу ғоя атрофида бирлашиш бўйича самарали ишлар олиб боришимиз зарур.

Давлатимиз раҳбари 2023 йил 22 декабрда Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида: “...Биз бугунги кескин шароитда ғоявий-мафкуравий соҳада рақобатга тайёрмизми? Ёш авлодимиз тарбияси мураккаб замон талабларига жавоб беряптими? Агар биз бу ёруғ дунёда “ўзбек”, “Ўзбекистонлик”, “Ўзбекистон” деган номлар билан яшаб қолишни истайдиган бўлсак, бу саволларга бугун жавоб топишимиз ва уларни ҳал этиш бўйича амалий ҳаракатларни айнан бугун бошлашимиз шарт. Эртага кеч бўлади”, дея қатъий таъкидлади.

Шу тобда кўнглимга икки фикр келди. Биринчиси, “Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир”, деган жадид бобомиз Абдулла Авлоний даъвати бўлса, иккинчиси, Президентимизнинг давлат мустақиллиги ўттиз икки йиллик байрамига бағишланган нутқида қуйидаги: “Давлатнинг вазифаси инсонларни бахтли-саодатли қилишдир. Бу мақсадга эса илм ва яхши ахлоқ ёрдамида эришилади”, деган пурмаъно сўзларидир. Буларнинг барчаси Президент қатъиятли инсон, метин ва букилмас сиёсий ирода соҳиби эканлигини тасдиқлайди.

Инсонни, шахсни ўрганиш ҳамда илмий таъриф-тавсиф бериш муаммоси — инсоншунослик билан боғлиқ ижтимоий фанларнинг барча соҳалари учун абадий жумбоқ, чексиз-чегарасиз мунозаралар олами. Кишилик жамиятида не-не олимлару фозиллар, донишманду алломалар инсон + шахснинг моҳияти, унинг пайдо бўлиши, жамият саврари ва сардори сифатидаги воқелиги ҳақида мунозара қилади, мушоҳада юритади, ўрганади ва тадқиқ этади.

Албатта, шахснинг ўзига хос белгиси жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши, муайян мавқега, яъни мартабага эриша олишидир. Чунки ақлли инсон жамиятда мўлжал олиш, муайян мақсад йўлида ўзини сафарбар эта билиш имкониятига эга бўлади ва айни пайтда жамиятга фойда келтиради. Ана шунда у яратган қадриятлар бевосита шахс қадриятига айланади, инсон капитали сифатида янги қирраларга кўтарилади.

Ҳақиқий баркамол шахс ҳар қандай қадриятни қадрлай олади, ҳурмат қилади ва айни пайтда ўзига нисбатан ҳурматни ҳам талаб этади. Аниқ якуний хулосага эга бўлмаган инсон жамиятнинг саврари ва сардори бўла олмайди. Воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатини билдира олмайдиган, бошқалар фикри билан яшайдиган, вазиятга қараб иш тутадиган, ўта юмшоқ ва ношуд инсон шахс бўлиб етиша олмайди. Демак, шахс ўз қиёфасига, ўз якуний хулосасига, ҳар қандай вазиятдан чиқа олиш иқтидорига эга бўлиши керак!

Мамлакатимизда бу қўшалоқ, аммо ўта масъулиятли, яъни бир-бирига уйғунлашган атамаларга алоҳида эътибор қаратиш керак. Инсон ҳар қандай умумқадриятлар даражасига кўтарилган миллий манфаат атрофида онгли равишда ҳамда ақл-идрок ғояси асосида жипслашади. Президент Шавкат Мирзиёевнинг қатъий таъкидига кўра: “Замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғоя, инновацияга таянган жамият ва давлат ютади”.

Шу ўринда бу борада Президентимизнинг эски ғоявий-мафкуравий қарашларга нисбатан айтган ва ҳозирги миллий тараққиётимиз равнақи учун ниҳоятда устувор ҳисобланган янги ғоявий-мафкуравий тамойилни келтираман: “Биз кўп йиллар давомида амал қилиб келинган “давлат — жамият — инсон” тамойилини ўзгартирдик. Мамлакатимизда аввало, инсон, кейин эса жамият ва давлат манфаати барча ҳаракатларимизнинг негизига қўйилди. Ҳаётимизда “Давлат инсонлар учун” деган халқчил ғоя изчиллик билан қарор топиб бормоқда”. Бу халқчил ғоя ўз моҳиятига кўра, миллий тараққиётимизда инқилобий ўзгариш ясаб, Янги Ўзбекистоннинг таълимотига айланмоқда. Айниқса, Янги Ўзбекистон “инсон+жамият+давлат” тамойили Президентнинг ташаббуси ила Асосий Қонунимизда мутлақ ўрин олиб, унинг таълимоти тамойилига айланди.

Президент Шавкат Мирзиёев инсон ва жамиятга ҳозирги талаб, Янги Ўзбекистон стратегияси нуқтаи назаридан шарҳ берар экан, Конституциямизнинг 13-моддасида қайд этилган: “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади”, деган қоидага амалий жавоб сифатида инсонни биринчи ўринга қўйди. Ёхуд 14-моддадаги “Давлат ўз фаолиятини инсон фаровонлигини ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қонунийлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари асосида амалга оширади”, деган фикр оқ қоғозга қора ҳарфлар билан ёзиб қўйилишини энди англаб етдик. Дарвоқе, Президентнинг ушбу очиқ ва ҳаққоний таъбири — “Инсон қадри учун” унинг ўта новатор ташаббуси бўлиб, стратегик таълимот сифатида Янги Ўзбекистон тараққиётининг бирламчи, айни пайтда ҳал қилувчи омилига айланади.

Шундай қилиб, даврлар ўтаверади, замонлар ўзгараверади. Бироқ халқона дунёқараш, инсон ва шахснинг маънавий-илоҳий-руҳий қиёфаси, моҳият ва мазмуни авлоддан-авлодга ўтиб, янги бўёқлар, мўъжизалар касб этган ҳолда давом этаверади. Бу боқий ва узлуксиз жараён Янги Ўзбекистон феномени сифатида фуқаро ҳис-туйғулари, ақидалари ва муносабатлари ҳамда илоҳий-руҳий олами — юксакликни ўзида ифода этади.

Хуллас, инсон+шахснинг жамиятдаги ўрни, уларнинг муштарак ҳолда фақат инсонга атроф-воқелик ҳамда одобу ахлоқ қоидалари ҳақида билим беришнинг ўзи, унинг маънавий-ахлоқий тарбияси учун етарли бўлмайди. Унда ирода қудрати, масъулият ва бурч, мажбурият туйғусини шакллантириш, кўнгилда атроф-табиатга, меҳнатга, касбга, илмга, ўзга инсонларга меҳр уйғотиш, дилида улуғ мақсадлар туғилишига эришиш лозим. Ҳар бир инсонда Ватан, миллат, адолат туйғулари руҳидаги пойдор маънавий қадриятларга айланиши учун ўзгалар ибратида синаши, бу йўлда риёзат чекиши, уларга нисбатан кўнгилда меҳр уйғониши зарур! Бунга турли йўллар, турли воситалар билан биринчи навбатда, ёш авлод тарбиясига самимий (чин кўнгилдан) ва изчил ёндашув; иккинчидан, тинимсиз изланишлар билан эришилади.

Президент Шавкат Миромонович Мирзиёев раҳбарлигида муваффақиятли амалга ошаётган демократик ислоҳотлар — Янги Ўзбекистон таълимоти бу борада оқилона иш тутилаётганини исботламоқда. Аслида кадрлар, раҳбар кадрлар мана шу чизгиларда аслиятга айланади.

Ушбу эссенинг бош мақсади ва вазифаси Президентнинг халқона қарашлари, ҳар жиҳатдан кадрлар муаммоси барча соҳалар ва жабҳаларда содир бўлиши муайян даражада ўз аксини топади. Бу жадид боболарнинг, миллий тараққиёт даҳолик тилсимининг, қарор топаётган Янги Ўзбекистоннинг барча жиҳатларида намоён бўлиши — узун истиқбол чизиғи бўлса, унинг бир тутумга келиши эса муҳтарам Шавкат Мирзиёев қўлидан, қалбидан, бутун вужудидан ўтиши — якуний хулоса “Ўзбекистон-2030” стратегияси орқали етти йилда жаҳон ҳамжамиятида ўта илғор давлатлар сафига қўшилиши олий мақсад ва вазифа, амалга оширилиши заруратга айланадиган ҳодиса — воқеликдир.

Президентнинг уларга нисбатан юксак орзу-тилаги: “Барча бўғиндаги раҳбарларга чиройли, баландпарвоз гапига қараб эмас, фаолиятнинг аниқ натижасига қараб баҳо берамиз.

Қонунларни, одамларни менсимайдиган, уларга қўпол муносабатда бўладиган, бюрократия ва коррупция балосига берилган ҳар қандай раҳбар билан — у вазир ёки ҳоким бўладими, бошқа масъул вазифадаги амалдор бўладими — салбий ҳаракатлари билан давлат обрўсига путур етказаётган бундай кишилар билан узил-кесил хайрлашамиз. Уларнинг ўрнига билимли, Ватан ва халқ ташвиши билан яшайдиган ёш-ёш йигит-қизларни қўямиз”.

Сафимизга юртимиздаги, чет элдаги нуфузли олийгоҳларда ўқиган, йирик компанияларда ишлаган қанчадан-қанча салоҳиятли ёшлар кириб келмоқда. Мен уларнинг тимсолида, аввало, эртанги кунимизнинг янги раҳбарларини, ҳудуд, тармоқ ва соҳаларнинг моҳир бошқарувчиларини кўраман”.

Дарвоқе, кейинги йилларда Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб икки баробар ўсди. Мамлакат 2023 йилни 6 фоизлик ўсиш билан якунлади ва бу йил ҳам худди шундай муваффақиятга эришиши кутилмоқда. Инфляция даражаси 9 фоизга тушган. Товар айирбошлаш кўрсаткичлари ҳам муттасил ортиб бормоқда. Мамлакат валюта бозори ва олтин валюта захиралари барқарорлигини сақлаб келмоқда. Охирги йилларда 60 миллиард доллардан ортиқ хорижий инвестицияни жалб этишга муваффақ бўлинди. Ўтган йили хорижий инвестициялар ҳажми қарийб икки баробарга ошди.

Ўзбекистон 90 дан ортиқ давлат, жумладан, Туркияда ҳам амал қилаётган визасиз режим туфайли туризм соҳасида ўз номини юксалтирмоқда. Шундай қилиб, буюк тарихий пойдеворларга таяниб юксалиш ва ривожланишни мақсад қилган Янги Ўзбекистон нафақат Марказий Осиё, балки бутун дунёнинг ёрқин юлдузига айланиб бормоқда.

Зеро, Шавкат Мирзиёевнинг: “Инсон қадрини улуғлаш, аҳолимиз манфаатларини таъминлаш, бунинг учун кучли иқтисодиёт барпо этиш бизнинг асосий вазифамиздир. Иқтисодиётимизга хорижий инвестицияларни жалб этиш, тадбиркорлик ва хусусий мулк учун кенг имкониятлар яратишни янада кучайтирамиз. Илм-фан, инновация, IT каби соҳаларни, “яшил” ва рақамли технологияларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратамиз. Ижтимоий соҳалар ривожини мутлақо янги босқичга кўтарамиз.

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларимиз жанговар салоҳиятини ошириш устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Мухтасар айтганда, янги ҳаётни, Янги Ўзбекистонни барпо этиш учун бор куч ва имкониятларимизни тўлиқ сафарбар этамиз”, деган гаплари бежизга айтилмаган.

**Карим НОРМАТОВ,**
**тарих фанлари доктори,**
**Қуролли Кучлар Академияси**
**профессори.**

ХАВОТИР

# ЖИНҒИЛЗОРЛАРНИ ҚАНДАЙ АСРАБ ҚОЛАМИЗ?



**Ёбонларни айланиб бўлиб, Мирзачўл тумани маркази Гагарин шаҳридан Жиззах шаҳрига қайтиб келмоқда эдик. “Мирзачўл — Жиззах” катта асфальт йўлининг чап ва ўнг томонидаги ариқ ва йўл ёқаларида сон-саноқсиз саф тортган жинғил буталарига кўзимиз тушди. Офтоб тиғига бардош бериб кўкка бўй чўзаётган буталар чор-атрофга ўзгача кўрк-тароват бағишлаб турарди. Шу билан бирга ушбу бутазор ичи узоқ вақтдан бери қанчадан-қанча судралиб юрувчилар, кемирувчилар, қўйингки, барча жонзотларга муқим ва ишончли бошпана, озуқа ва емиш топишнинг асосий манбаи бўлиб келган.**

Юзлаб турдаги ҳашаротлар ҳам бу ўсимлик бўлган жойдан кўнгил узиб кетолмайди. Керак пайтда жинғил уларни хавф-хатардан, муқаррар кўнгилсизликдан асраб қолади. Айниқса, уни кузда ранго-ранг гуллаганида кўрсангиз, ёнидан кетолмай қоласиз. Жинғил нафақат чўл ўсимлиги, балки тоғу адирликларда ҳам бемалол томир отиб кетаверади. Мирзачўлнинг ҳақиқий кўрки бўлган бу бутасимон дарахт ҳозирги кунда зовурларнинг қирғоқларида ҳам топилади. Кейинги йилларга келиб ғалладан бўшаган экинларга ўт қўйиб юборилиши натижасида бу ўсимликка ҳам жиддий зиён етмоқда. Баъзида эса зовурларнинг ҳимоя зоналарига атайлабдан ўт қўйиб юборилаяпти. Ўт-ўланга қўшилиб жинғиллар ҳам ёниб, зовур атрофини файзсиз ҳолатга келтирмоқда. Оқибатда шу атрофдаги ҳайвонот дунёсига ҳам зарар етаяпти.

Одатда, қушлар жинғилга уй қурмайди. Сабаби бўйи дарахтлардан анча паст. Аммо қанотли дўстларимиз унинг устида полапонлари билан учиб-қўниб ўйнашни хуш кўрадилар. Сирасини айтганда, жинғил Мирзачўлга хол бўлиб тушган. Жинғилзорлар ичидаги жониворларнинг миграцияси қандай кечаяпти? Улар мазкур жараён чоғида бошқаларини қисиб қўймайдими? Ёки бошқа жойда кўпаядими? Шу сингари талай саволлар кўп-у, аммо жўяли жавоб йўқ.

Негадир сўнгги вақтларга келиб, тилсиз, забонсиз, бечора жинғилларнинг ҳоли баттар хароблаша бошлади. Тўғроғи, қўлига болта ушлаган одам йўл ва зовур бўйларини яшнатиб, чиройли бағишлаб турган минг-минглаб жинғил буталарини остидан кесиб кетишнинг зап ҳадисини олди. Оқибатда бир-бирига қўл бериб, яқин ўсган ўсимлик йўқлик сари завол тутмоқда. Унинг сони йилдан-йилга камайиб, йўқолиб бормоқда. Алҳол, дастлаб қиш кунлари аҳоли ноиложликдан, уйини иситиш учун бу ишга қўл ураётгандир деган фикрда эдим. Мен янглишган эканман. Маълум бўлишича, экинларга халақит беради деб уни остидан чопиб ташлар эканлар.

Тут, гужум, туронғил, саксовул, савр, чинор, қандим, жинғил каби манзарали, нашвати, анор, бодом, ўрик, ёнғоқ, хурмо, гилос сингари мевали дарахт ва буталар жаннатмакон ўлкамиз экотизими учун ниҳоятда муҳим ўрин тутади. Шундай бўлгач, бундай кўчатларнинг тур ва навлари кўпайтирилса, фойдадан холи бўлмайди. Айни кезда бу жабҳада юртимизда фаолият олиб бораётган илмий-тадқиқот институтларида илмий фаолият асносида шуғулланаётган олимлар, фермер-деҳқон хўжаликлари раҳбарлари, миришкорлар, боғдорчилик орқасидан тирикчилик қилаётган хусусий жамоалар, шу аснода уста, тажрибакор ишбилармонлар ҳам ташаббус кўрсатишлари лозим. Бу гапларни нега куйиниб, ачиниб ёзаяпман? Ахир яшил ҳудудлар нафақат инсонларнинг соғлом ва тўғри ҳаёт кечириши учун, эҳтимол, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, тупроқ ва сув ресурслари, иқлим ўзгаришларига ҳам жиддий ва сезиларли, ижобий таъсир этиши сир эмас. Қолаверса, Ўзбекистон ҳудудида, янада аниқроқ айтганда, зовур ва йўл бўйларида кўп йиллардан бери ўсиб, гуркираб келаётган, аммо бута сифатида анча-мунча камёблашиб, ноёблашиб қолган дарахт ва буталарнинг селекцияси масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилса тузук бўлармиди, деган ўй кечди кўнглимдан.

Аслида, чўл ҳудудларида яшил майдонларни ташкил этиш, борларини эса асл ҳолича сақлаб қолиш, асраб-авайлаш ўша жойдаги экологик барқарорликни тиклаш учун муҳим аҳамият касб этишини эслатиб ўтмоқчиман.

Енгил елвизакдан чайқалаётган зовур бўйидаги жинғиллар юпқа шохлари чодирини ёйиб, ён-атрофни ҳар тарафдан қуршаб турарди. Манзарага маҳлиё бўлиб анча туриб қолибман. Бир маҳал олдимда узун бўйли, қорувли бир отахон пайдо бўлди. Танишдик. Исми Олимжон Эсиргапов экан. Отахоннинг фикрлари менга маъқул келди. Шу боисдан уни айнан келтирмоқчиман: "Муштдайлигимдан ишқим деҳқончилик ва боғдорчиликка тушган, десам, муболаға бўлмас. Натижада отамдан дарахт экиш сирларини ўрганиб, гўзал боғлар яратдим. Ҳозирда бу чорбоғлардан фарзандларим, набираларим ва қўни-қўшниларим баҳраманд бўлишмоқда. Афсуски, юртимизда “Яшил макон” лойиҳаси кенг қулоч ёйган бир кезда жинғилзорлар йўқотиб юборилаётгани ачинарли ҳолатдир. Айниқса, ҳавонинг тозалиги ва мусаффолигини сақлаб қолишда муҳим ўрин тутган дарахт ва буталар сонини кўпайтириш ҳам асосий вазифалардандир. Уйим “Мирзачўл — Жиззах” катта йўли яқинида. Йўл бўйларидаги жинғил буталари яшнаб, кўзни қувонтиради. Аммо бу гўзал ва жозибадор бутанинг умрига зомин бўлинаётгани хунук воқеадир. “Яшил дўст”ларимиз умрини қисқартираётганларга танбеҳ ҳам бериб кўрдим. Улар олдимда: “Хўп, бундай ҳол бошқа такрорланмайди”, —дейди-да, бироздан сўнг билганидан қолмайди. Аслида, мазкур номаъқулчилик, бешафқатлик танбеҳ беришнинг ўзи билангина ижобий ечим топмаслиги беш бармоқдек ҳаммага аён. Умуман олганда, мавжуд жинғилзорларнинг кейинги тақдири, ҳолати айрим вақтларда эътиборсиз қолиб кетаётгани кўпчиликнинг жиддий норозилигига сабаб бўлмоқда. Таклифим: яшил борлиқ масаласи чуқур таҳлил этилиб, қонун йўли билан жинғил кушандаларининг танобини тортиб қўйиш даркор. Тўғри, Ўзбекистон Республикаси “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуннинг 47-моддасида, давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни фақат санитария мақсадларида кесиш ҳамда биноларни, иншоотларни ва коммуникацияларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш билан боғлиқ ҳолда кесиш тартиботи белгиланган бўлиб, бунга маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари билан келишилган қарорига кўра йўл қўйилиши аниқ-тиниқ, кўрга ҳассадек кўрсатиб қўйилган-ку ахир. Афсуски, бу ҳақли талабларни назар-писанд этмасдан, қимматбаҳо жинғил буталарига қирон келтирилаяпти. Бу қилмиш жиноятдай гап. Уни кечириб, хаспўшлашнинг имкони йўқ. Буни ўз номи билан она табиатга хиёнат деб аташ лозимдир. Дарвоқе, қонунбузарлар тегишли жаримага тортилаётган ва қонунда белгиланган жазо қўлланилаётган бўлса-да, она табиатга етказилган зарар бу билан жойига тушмайди”.

Дарҳақиқат, фуқаронинг куйинчаклик билан айтган фикрларида жон бор. Боиси экологик масалалар орасида атроф-муҳитга ўсимлик дунёсининг таъсири ва аҳамияти беқиёсдир. Бунга нафақат Ўзбекистонда, балки дунёнинг аксарият давлатларида жиддий масала сифатида эътибор берилади. Ҳар нечук, ўсимлик дунёсини асраб қолиш ва кўпайтириш энг асосий жабҳалардан бири бўлиб қолмоқда. Унинг ечимини топиш учун дадил ҳаракатлар бошлаб юборилган. Президентимиз ташаббуси асносида бошланган “Яшил макон” умумий лойиҳаси доирасида куз ва баҳор мавсумида етарлича кўчат экиш мақсад қилинганди. Аҳамиятлиси, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси экологик муаммолар ечимига қаратилган муҳим ташаббуслардан бири ҳисобланади. Негаки, иқлим ўзгариши дунё давлатларини ташвишга, хавотирга солаётир. Дарахт ва буталар сонини кўпайтириш ҳам асосий вазифага айланган. Унинг ечимини топишга астойдил киришилган.

Сирасини айтганда, Жиззах воҳасини келажак насимларга тоза ҳаво, ноз-неъмат берадиган, улашадиган, кўзни қувонтирадиган яшил либосли минтақага айлантириш аҳолининг юраклари тубидаги ниятдир. Агар бу ниятлар ижобат топса, Жиззах воҳаси замини латиф қиёсга кирган бўлармиди?

Тўғри, ҳар йили қишда аҳоли орасида жинғил ва бошқа ўсимликларни кесмаслик, уни нобуд этмаслик масаласи кўтарилади. Чунки табиатда ҳар бир турнинг ўрни, вазифаси мавжуд. Борди-ю, нимадир бўлиб ўша мувозанат бузилгудек бўлса, унинг жабрини одамзод тортишга маҳкум бўлиб қолади. Афсуски, орамизда табиатга мислсиз зиён-заҳмат етказишдан тоймайдиган, қулоқсиз инсонлар оз бўлса-да учраб туради. Мабодо сиз уларга: “Оғайни, сиз, нотўғри йўл тутаяпсиз”, деб айтгудек бўлсангиз, дарҳол: “Биттагина бута кесилгани билан осмон узилиб ерга тушармиди?” деб жиртакилик қилади. Ҳаттоки сиз билан ёқа бўғишишгачаям боришдан тап тортмайди. Қолаверса, очиқ, яйдоқ далада ўсган жинғилларга кўз-қулоқ бўлишнинг иложи йўқ. Ҳар кимнинг ўзига инсоф берсин. Аслида, биз учун кичик, майда масаланинг ўзи йўқ. Шундай бўлгач, йўл ва ариқ ёқаларига ажиб бир жозиба, уйғунлик бахш этиб турган жинғилни йўқотишга зўр бермайлик. Зеро, бугун биз асраган ўсимлик эртанги авлоднинг кўзини қувонтиради. Оммавий ахборот воситалари табиатни муҳофаза қилиш, унинг бойликларидан тежаб-тергаб фойдаланиш ҳақида тез-тез бонг ураётганига қарамай, бу нарса кенг жамоатчиликка сезиларли таъсир кўрсата олмаяпти. Фақат сўз билан, тушунтириш билан бирор-бир натижага эришиш қийин. Кўпчилик биладими, йўқми, Жиззах, Пахтакор, Дўстлик, Мирзачўл катта асфальт йўли бўйи яқинидаги аҳолининг баъзилари жинғилга қирон келтираяпти. Уни таг-томири билан чопиб олиб кетаяпти. Шу важдан қуйидаги таклифларни баён қилмоқчиман:

Биринчи галда, аҳоли ўз вақтида газ ва кўмир билан таъминланиши лозим. Шунингдек, фуқаролар экологияга оид қонунларни шунчаки, юзаки билишади. Шу боис мактаб, лицей, коллеж, ҳунар-техника билим юрти, олий ўқув юртларида экология илмидан чуқурлаштирилган сабоқлар берилса, республикамизнинг барча вилоятлари, туманларнинг ўз “Қизил китоби” бўлса? Борди-ю, бу таклифим эътиборга олингудек бўлса, экологик қалтис вазиятнинг илдизига болта урилиб, у қисман бўлса-да камаярмиди?

**Улуғбек ЖУМАЕВ,**
**журналист.**

1-6.

# СЎЗ ЭРКИНЛИГИ
## МАДАНИЯТСИЗЛИК БАЗМИ ЭМАС!



Йиллар ўтиб китоблар, устозлар сабоқлари шарофатидан севимли ашулаларимнинг маъносини теранроқ тушундим.

Энди ҳақиқий санъат дурдонаси бўлган у ашулалар шеърларининг фикр салоҳияти, шоир қалбининг назокати, ажойиб лутфлари, саховати, камтарлиги билан юксаклиги... ҳофизнинг Аллоҳ берган бетакрор овозига уйғун катта муҳаббат ва маҳорат ила ижроси билан ҳозиргача ўз-ўзимники.

*Ишқсизларга мани ишқимни қилма ошкор,*
*Ишқ карвонига кўксимни очиқ дарвоза қил.*

Собир Абдулла ғазали билан Муроджон Аҳмедовнинг забардаст овозида қўшиқ бўлиб янграган бу сатрлар ҳар сафар ҳайратга соларади: ишқ карвони қандай бўларкин ва унга дарвоза бўлгувчи қалб салобати, кенглиги, саодати қандай экан?! Умрим давомида сонсаноқсиз хаёлан такрорлаган ёки қайта-қайта хиргойи қилган бўлсам-да, ҳар сафар қалбимни титратадиган, кўзимга ҳайрату эҳтиром ёшларини силқитадиган ижролар, шукрким, оз эмас. Зебуннисонинг:

*Китобхонаи олам варах-варах жустам,*
*Хати Ту дийдаму ғуфтам: Ки муддао инжост* —

деган сатрлари Зайнаб Полвонова ижросида хотирамга ёзилди, устозлар айни сатрларда шоира ёруғ дунёнинг энг катта ҳикмат-ҳақиқатини баён этмоқчи бўлганини тушунтирдилар, ҳар хил синовлар пайти уни хиргойи қиламан, таскин топаман. Буларнинг ҳаммаси — катта санъатимизнинг асл ганжиналари, аллодлар асраб ривожлантириши мерос бўлган хазина.

Биламан, бугун юқоридаги фикрларимдан кимлардир, юмшоқ қилиб айтганда, зерикади, тезроқ тугатишимни истайди. Чунки мумтоз ашулалар айтилганда, “Шу ҳай-вайлар кимга керак?” дейдиганлар, хонадонида йил-ўн икки ойлаб миллий соз асбоблари жўрлигида айтилган қўшиқ, ашулаларни тингламайдиганлар, англамайдиганлар оз эмас. Уларни тушунгинг келади: глобаллашув, одамларнинг вақти жуда қимматли бўлиб бораётган, ахборот оқими имконият тугул тасаввурларга ҳам сиғмаётган даврда қўшиқларнинг сўзлариям аниқ, озу соз, ишчан, замонавий тил билан айтганда, “мотивация берадиган” бўлиши керакдир?!

Ёдимга тушиб кетди. “Саодат” таҳририятида ишлаётган пайтимда, бир куни журналнинг навбатдаги сонига бериладиган материаллар муҳокама қилинаётганди. Зулфия опа тақдим этилган шеърлардан биридаги фикрнинг енгил-елпи, йиғлоқи эканини айтгандилар, кимдир: “Энди, шоир-да”, деб уни оқламоқчи бўлганди, устоз: “Нима, шоир дегани ақли паст деганими?!” – деб мавзуга нуқта қўйгандилар. Шунга ўхшаб, ҳаваскору шеъриятдан умуман тушунчаси бўлмаган “шоир”ларнинг ижоди маҳсули бўлган бир нима (қўшиқ, куй сўзини ишлатгим келмаяпти)ларни машҳурдан тортиб кечагина битта “клипи” билан бу соҳага кириб келганларнинг ижросида “Ҳа, энди бу қўшиқ-да”, — деб тинглайвериш; машҳуридан тортиб кеча тухумдан чиққанигача ўзини санъаткор деб билганларнинг тилидаги, хатти-ҳаракатидаги алмойи-алжойилик, кибр, мақтанчоқлик, томошабинни менсимаслик, ёшига ёки айтаётган сўзларининг маъносига номутаносиб кийимлари ва қилпиллашларни “Буларга бўлаверади” ёки “Фикр эркинлиги” деб қабул қилиш бир томондан уларнинг ижодий-ижобий ўсишига ғов бўлса, иккинчи томондан ўзимизнинг савиямиз ночору пажмурда эканини тан олишдир.

Фарзандларимизга ёшлигидан савияси юқори ёки паст асарларни тавсия этишимизнинг оқибати “экилган уруғи”га яраша бўлади. Бугун қай бир ўғил-қизимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ғазали билан айтиладиган “Яхшилик” қўшиғини шартта ўчириб, “Жонзе, Жонзе”ни мароқ билан эшита бошласа, бу унинг онгига она сути билан бирга енгил-елпи, ўтаркетар, вақтингни ўғирлайдиган қўшиқлар қуйилганининг натижаси. Буларни яхши кўриб тинглайверганинг сайин фикринг доираси мана шу ижролар қобиғидан четга чиқмайди; хатти-ҳаракатинг, ҳаёт тарзинг унга мослашади. Афсуски, кейинги йигирма йиллар давомида қўшиқчилигимиздаги саёзлашиш, жўнлашиш, енгил-елпилашиш жараёнига гувоҳ бўлдик; бу ҳақда ташвишланиб гапиргандек, ёзгандек бўлдик, аммо самарали ишлар қўлимиздан келмади.

Адашмасам, бундан йигирма йиллар илгари Республика “Наво” бирлашмасида янги қўшиқларни кўрикдан ўтказиб, ижросига рухсат бериш (ёки бермаслик) комиссияси тузилиб, бир неча йиллар фаолият кўрсатди. Комиссия таркибида Анор Назаров, Дилором Омонуллаева каби таниқли бастакорлар, Фаррух Зокиров каби халқ артистлари, Гулчеҳра Умарова каби санъатшунослар, қўшиқчи шоирлар, улар қаторида мен ҳам бор эдим. Комиссия йиғинларига доим бир нечта қўшиқчиларнинг янги ижролари тавсия этиларди. Уларнинг аксарияти элга тақдим этишга муносиб эмас, аммо йиғинларга раислик қилувчи билан танқидий фикр билдирганлар орасида бўладиган музокара, баҳсларнинг деярли ҳаммаси раислик қилувчининг фойдасига ҳал бўларди, ўша қўшиқ эфирга узатилишига “оқ йўл” бериларди.

Аслида, Республика телерадиокомпанияси ҳузурида ҳам янги ёзилган қўшиқлар матнини, ижросини назорат қилиши керак бўлган, сарани сарага, пучакни пучакка ажратадиган ижодий гуруҳлар доим бўлган, вазифасини бажарган. Аммо қайта қуриш ва ошкоралик йиллари, кейинчалик мустақиллик даврининг сўз эркинлигини ўз тарозисида “тош босган шеъри”, ўз доирасидагиларга ёққан қўшиғини катта минбарларга олиб чиқиш, элга ҳавола қилиш деб билганларни муҳарририят ларидан катта экранлар, эфирларга “олиб ўтиб қўядиган кўприк”лару “айланма йўллар”, “сўқмоқлар” очилди, улар кенгайиб кетди.

Мазмунли, чиройли овозда ижроси гўзал қўшиқ ёки ашула бошланса, “Ҳамма ундан баҳраманд бўляптими?” деган хаёлда ён-атрофимдагиларга қараб чиқаман: кимдир ҳушёр тортган, кимдир бепарво, яна кимдир қошиқ билан овора. Беихтиёр Иммант Зиедонишнинг бир эпифаниясидаги “Шеър айтилаётганда, кавшанма, болам” деган гапи ёдимга тушади. Аммо ҳозир айрим “қўшиқ”лар бошланса, атрофингдагилар уни тинглашидан кўра тингласлигини, бошқа бирор машғулот билан банд бўлишини, қўшиқни ўчириб қўйишини хоҳлайсан. Чунки...

Яқинда бир байрам даврасида кузатиб ўтирибман: ёш санъаткор “Сени жуда яхши кўраман” деган сатрларни такрор, такрор, такрор... нақорат қилиб куйлаяпти, ўртада рақс тушаётганларнинг аксарияти унинг сўзларини қайтаришяпти, демак, ёд билишади. Ўн яшар қиздан: “Қайси қўшиқларни куйлаб юрасан?” — деб сўрадим. У аввалига жавоб беришга уялди. Сабабини сўрагандим: “Бизга мос эмас-да”, — деди. Бу суҳбатимизни ҳеч кимга айтмаслигимга қизчани ишонтирганимдан кейин у нафақадаги бобоси билан ўтириб телевизор кўрганда эшитадиган қўшиқларидан сатрлар айта бошлади. Мен уни ортиқ уялтиргим келмади...

*Менга қараб нега ёнимда ҳар кун*
*қолмайсан,*
*Баланд дорга осилсанг ҳам,*
*ета олмайсан.*

Мантиқий, ахлоқий, миллий менталитет, бадиий асарга қўйиладиган талаблар нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, шу икки сатр таҳлилида айтилажак мулоҳазаларнинг ўзи алоҳида танқидий мақола бўлади.

Ғазалнависликнинг XX аср чин борисларидан бири Эркин Воҳид:

*Сени ётлар тугул, ҳатто қилурман*
*рашк ўзимдан ҳам,*
*Узоқроқ термулиб қолсам, бўлурман*
*ғаш кўзимдан ҳам,*

деса, бугунги “шоир” мана бундай ёзади:

*Офтоб юзингникими,*
*Томчи кўзингникими,*
*Бир бўса олай десам,*
*Лабинг ўзингникими?*
*Исмим сўзингникими,*
*Кўзинг кўзингникими,*
*Гумон қийнайди, жоним,*
*Лабинг ўзингникими?*

Бу сатрларни тизган қалам синсин-э, дейсан! Уни куйга солган, куйлаган ва шуни қўшиқ деб эфирга узатаётганларга: “Таъбинг, фаросатинг, муҳим муаммойинг шу бўлса, баттар бўл!” — дегинг келади, аммо бу “янги қўшиқ” миллионлаб кишиларнинг эътиборига ҳавола қилинаётгани, кимлардир қизиқиб тинглаётгани ва хиргойи қилиб юргани аламига сўз йўқ, даво йўқ.

Халқнинг дид-фаросатини тарбиялаш, юксалтиришда адабиёт, санъат энг муҳим омил. Кейинги йилларда юртимизда китобхонлик тарғиботи, айниқса, ёшларнинг бадиий асарлар ўқиб, уқиши учун шахсан Юртбошимизнинг ташаббус, таклифлари билан амалга оширилаётган тадбирларнинг илк хайрли мевалари кўриб турибмиз. Аммо ёш тоифаси, шароит ва имкониятлар билан боғлиқ жиҳатлардан қарасак, халқимизнинг катта қисми деярли ҳамма хонадонда мавжуд бўлган телеэкранлар, каттаю кичикнинг “ажралмас қисми”га айланган телефондаги хабар, маълумот, кинолар, қўшиқлар таъсирида. Ҳадиси шарифда одамларни қириб ташлайдиган ёмон касаллик тарқалса, бу жойдан ҳеч ким ташқарига чиқарилмай, ташқаридан ҳам айни ҳудудга ҳеч ким киритилмаган ҳолатдагина офатдан қутулиш мумкинлиги айтилади.

Сўз эркинлиги, ҳамма ўзи хоҳлаган иш-машғулот билан шуғулланишга ҳақлилиги ҳуқуқидан фойдаланиб, битта гапнинг эгасини кесими билан мослаштиролмайдиган айримларнинг (фикр, мақсад, мантиқ анқонинг уруғи бўлган) “жўкича” тизмаларини қандайдир мусиқаларга “ўраб”, тафаккур кўчасидан ўтмаган, бадиий-мусиқий иқтидори ҳаминқадар, ингичка ипчалик (ипак эмас!) овози-да бўлмаган, санъат йўлини енгил-елпию омадлар кўчаси деб билганлар ижроларига эфирлар, экранлар, катта саҳналар йўлини узил-кесил тўсиш вақти келди.

Қаранг, ўтган йили доришунос, шифокор ва айрим масъулларнинг ўз вазифасига нолойиқ ишлари оқибатида Ҳиндистондан келтирилган бир дори етмишга яқин болажонларнинг оғир касалликка мубтало бўлиши, ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлди. Бугун эфирлардан кунига такрор-такрор берилаётган, ўзларининг назарида “хит”га айланган “Қизил кўйлак”ка мафтун бўлиб,

*Менга яна шартлар қўясан,*
*сенинг талабинг кўп,*
*Биттаман дема, осмондан келма,*
*сендақаси жуда кўп, —*

деб берилиб айтиб юрганларнинг қалбига қўполлик, аёлга нисбатан беписандлик, маданиятсизлик, бевафолик каби иллат-дардлар илдиз отмаяпти, дея олмаймиз.

Юқоридаги мулоҳазаларим — теле- ва радиоканаллар ҳамда ижтимоий тармоқлар учун тайёрланаётган медиамаҳсулотлар, хусусан, сериал, мультфильм, кино ва қўшиқларни “маънавий экспертиза”дан ўтказиш тартиби жорий этилиши зарурлигига қисқача далилларим.

Сизга, балки, узундан-узоқ туюлгандир, лекин бу — бугунги кун қўшиқчилиги билан боғлиқ оғриқли фикрларимнинг мухтасар баёни, холос. Сериаллар, мультфильмлар, кинолар билан боғлиқ одамлардан эшитганларим, ўзимнинг тинглаб, кўриб чиқарган хулосаларим тахини навбат билан очиш ниятидаман.

**Мухтарама УЛУҒОВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.**

# КИТОБСЕВАР МИЛЛАТМИЗ

1-б.

Эслатиб ўтамиз, ўтган ҳафтада Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамкорлигида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ҳам китоблар тақдимоти ўтказилганди.

Тадбирда журналистлар, шоир ва ёзувчилар, пойтахтимиздаги ахборот-кутубхона марказлари мутахассислари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари ҳамда бир гуруҳ ёш китобхонлар иштирок этди.



Тақдимотда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Д.Саиджонов, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в.б. Х.Салимов, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори Умида Тешабоева ва бошқалар китобхонлик хусусида сўз юритишди.

Ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан эълон қилинган танловда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси “Аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, баркамол шахсни тарбиялашда китобхонлик маданиятини ошириш” лойиҳаси бўйича ғолибликни қўлга киритган. Тақдимоти ўтказилган ўн номдаги китоблар мазкур лойиҳа доирасида нашрга тайёрланган.

“Китобхон болалар” туркумидаги “Шалола”, “Оқ қовуннинг боласи”, “Учар ҳаммом”, “Сеҳргарнинг узуги”, “Болаликнинг қўлидан тутиб” номли китоблар “O‘zbekiston nashriyoti” давлат унитар корхонасида; “Дунё даҳолари” туркумидаги “Стив Жобс – компьютерга жон берган одам”, “Муҳаммад Али – барча даврларнинг буюк боксчиси”, “Леонардо да Винчи – замонасидан илгарилаб кетган ақл соҳиби”, “Моцарт – мусиқа даҳоси”, “Альберт Эйнштейн – серқирра даҳо” номли китоблар эса “ASAXIY BOOKS” МЧЖда чоп этилди.

Айни пайтда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ахборот хизмати ходимлари томонидан юқоридаги ўнта китобнинг аудио варианти ҳам тайёрланмоқда.

Ушбу китоблар тақдимоти Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида, Тошкент вилояти Нурафшон шаҳрида, Сирдарё вилояти Гулистон шаҳрида ҳам бўлиб ўтди.

# ҲАЁТИМИЗНИНГ БОШ ҚОМУСИ

***Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Самарқанд вилояти бўлими ҳамда Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг Самарқанд вилояти минтақавий бўлинмаси ташаббуси билан Самарқанд гарнизонидаги ҳарбий қисмда ташкил этилган тадбир “Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз гарови” деб номланди.***



Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 32 йиллиги муносабати билан ташкил этилган ушбу тадбирда уюшманинг Самарқанд вилояти бўлими раиси Акрам Ҳайдаров янгиланган Конституциямизда белгиланган асосий нормалар, фуқароларнинг ҳуқуқ, бурч ва мажбуриятлари ҳақида гапирди.

Шунингдек, тадбирда Марказий ҳарбий округ фахрийлар кенгаши раиси Ш.Азизов, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши Самарқанд вилояти минтақавий бўлинмаси мутахассиси У.Амиров, Ўзбекистон – Финляндия педагогика институти ўқитувчиси Ж.Ёқубов ҳаётимизнинг бош Қомуси мустақиллигимизнинг энг улуғ ва ёрқин кафолати эканлиги ҳақида ҳаётий мисоллар билан сўзладилар.

# ЧИРОҒИ ЎЧМАС ТАРИХИЙ МАСКАН

***Жиззахдаги чироғи мангу ёниқ даргоҳлардан бири, шубҳасиз, Шароф Рашидов илмий-маърифий ёдгорлик уй-музейидир. Воҳа журналистлари улуғ ватандошимиз таваллудининг 107 йиллиги олдидан мазкур маърифат масканида бўлиб, яқин тарих сабоқларидан баҳраманд бўлишди.***

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Жиззах вилоят бўлими ташкил этган



пресс-турда ижодкорлар уй-музейнинг тарихи, экспонатларнинг ўзига хос кечмиши ҳақида қизиқарли ҳикояларни тинглашди.

— Мазкур маърифат маскани 1992 йил 6 ноябрда атоқли давлат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллиги муносабати билан ташкил этилган, – деди уй-музей ходими Гулноза Фаттоҳова. — 2017 йил 27 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги” қарорига кўра, қайтадан таъмирланиб, замонавий қиёфа касб этган.

Шароф Рашидов томонидан тўпланган 7000 дан зиёд китоб иккита залдаги китоб жавонларидан жой олган; муаллифлар шахсан дастхат битиб совға қилган китоблар энг нодир экспонатлардан саналади.

# ЭКОЛОГИЯ – ДОЛЗАРБ МАВЗУ

***Ўтган асрнинг ўрталаридан республикамизда пахта яккаҳокимлиги туфайли сувдан нотўғри фойдаланиш оқибатида Орол денгизи суви сатҳи 22 метрга пасайди. Бунинг оқибатида денгизнинг жуда катта қисми шўрхок қуруқликка айланди. Денгиз суви шўрлигининг ўртача кўрсаткичи меъёрдагидан 10-20 баробар ортиб кетиши натижасида наботот, ҳайвонот олами камайиб кетди. Аҳоли саломатлигида жиддий салбий асоратлар, оқибатлар қайд этилди.***

Кейинги беш-олти йилда Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан



денгизнинг қуриган ерларида ҳаёт қайта тикланиши учун жуда катта ишлар бажарилди. Лекин Орол ҳудудида амалга оширилиши керак бўлган вазифалар ҳали жуда кўп. Табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан унумли фойдаланиш бўйича аҳоли ва ёшларнинг экологик билимини ошириш керак. Оролбўйи ҳудуди аҳолиси учун, айниқса, экологик журналистика муҳим аҳамият касб этади.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Қорақалпоғистон бўлими қошидаги “Ёш журналистлар” тўгараги тингловчилари ва эковолонтёрлар учун “Экологик муаммоларни бартараф этишда журналистиканинг ўрни” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Экологик партияси Нукус шаҳар партия ташкилоти Кенгаши раиси А.Исмайлова, Қорақалпоғистон Республикаси экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги бўлим бошлиғи Қ.Реймов тингловчиларга экологик муаммолар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва ҳал этиш йўллари ҳақида гапирдилар.

“Ёш журналистлар” тўгараги раҳбари З.Қожиқбаева тингловчиларга мавзуни чуқур ўрганиб, ОАВда ҳамда ижтимоий тармоқларда экология масалаларини ёритиш, қизиқарли ва фойдали контент яратиш ҳақида таклиф ва тавсиялар берди.

# ВАТАНДАН ЯХШИ ЁР БЎЛМАС

***Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Навоий вилояти бўлими, Кармана туман Ахборот-кутубхона маркази ҳамда мактабгача ва мактаб таълими бўлими ҳамкорлигида ўқувчи ёшларни Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид ижоди билан яқиндан таништириш мақсадида “Шоир ижодида Ватан мадҳи” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.***

Кечада Ахборот-кутубхона маркази раҳбари Дилбарам Имомова, Ўзбекистон



Журналистлар уюшмаси аъзоси Достон Мавлонов, уюшманинг вилоят бўлими мутахассиси Дилором Сармонова Сирожиддин Саййид шеърларида ватанпарварлик, халқпарварлик ғояларининг ўзига хос, самимий, юксак туйғуларга уйғун ифодаланиши ҳақида сўзлашди.

Тумандаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг иқтидорли, адабиётга ихлосманд ўқувчилари Сирожиддин Саййиднинг “Ватанни ўрганиш”, “Руҳим харитаси”, “Ватан абадий” тўпламларидаги шеърлардан намуналар ўқиб бердилар.

Тадбир давомида ўқувчи-ёшлар билан китоб ва китобхонлик, ўқиган бадиий асарлари, адабий асарларнинг тарбиявий аҳамияти ҳақида қизиқарли мулоқотлар ҳам бўлди.

# БАҒРИКЕНГЛИК – ТИНЧЛИК КАФОЛАТИ

***16 ноябрь ҳар йили бутун дунёда “Халқаро бағрикенглик куни” сифатида нишонланади. Бу санани Ўзбекистонда нишонлаш ҳам анъанага айланган. Жорий йилнинг 11-16 ноябрь кунлари мамлакатимизда “Бағрикенглик ҳафталиги” бўлиб ўтмоқда.***

Шу муносабат билан Термиз шаҳридаги Матбуот уйида журналист ва блогерлар учун матбуот анжумани ўтказилди. Унда Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг Жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича мажмуаси котибияти мудири Рустам Чориев ҳафталик доирасида ташкил этиладиган маънавий-маърифий, илмий-амалий тадбирлар, кўнгилочар дастурлар ҳақида маълумот берди.

Бу тадбирлар вилоятда фаолият олиб бораётган ташкилотлар, турли миллат





ва элат вакилларининг тили, маданияти, анъаналари ва урф-одатларини сақлаш ҳамда ривожлантиришга, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенгликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Ахборот хизмати.**

**АЧЧИҚТОШ**

# “БЎСТОН”ДАГИ ҚАРОВСИЗ ХИЁБОН

**Андижон томондан Қўқонга келаверишингизда йўлнинг ўнг томонида Бўстон (аввалги Бўз) тумани ҳокимияти биносига нигоҳингиз тушади. Бинога кираверишдаги майдонлар ободонлаштирилиб, атрофларига гуллар экилибди. Шу томондан чамаси икки юз қадам юрсангиз, хиёбонга ўхшаган кичик майдон бор. Майдон этагида 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари хотирасига лавҳа ҳам ўрнатилган.**




Маълумотларга қараганда, бундан қирқ беш йилча аввал шу туманда раҳбар бўлиб ишлаган Мирзажон Иминов улуғ алломалар ҳамда таниқли адибларнинг бюстларини ўрнатишга бош-қош бўлган экан. Ёдгорликлар қандай хомашёдан тайёрланган бизга қоронғи, аммо қаровсизликданми, табиий иқлим таъсириданми, ўнлаб бюстлар жуда хунук аҳволга келиб қолибди. Маҳаллий аҳоли вакилларининг айтишича, бундай ачинарли ҳолат анча йиллардан бери давом этмоқда.

Бу ерда Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Александр Пушкин, Михаил Лермонтов, Миртемир, Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек, Нодира, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат каби улуғ зотлар хотирасига ёдгорликлар ўрнатилгани тарихий воқеа бўлган, албатта.

Бу ёдгорликлар ўрнатилган давр собиқ шўролар замони эди. Шундай бўлса-да, миллат ва маънавиятга, маданият ва адабиётга жонфидо инсон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор, раҳматли Мирзажон Иминовнинг виждон амри, адибларга бўлган ҳурмат-эҳтироми туфайли ушбу ёдгорликлар қад ростлаган. Кекса отахонларнинг эслашларича, ўша йиллари Мирзажон Иминов туманга троллейбус ҳам олиб келиш учун йўлларни кенгайтириб, устунлар ўрнатган экан.

Эндиликда Бўстоннинг бугунги раҳбарлари ёдгорликларни сақлай олмаяпти. Маънавий қадриятлар қадрига етилмаяпти. Афсус, бугунги





ҳолни кўрса, маймунлар ҳам йиғлаб юборса керак.

Ноябрнинг ёмғирли ва совуқ кунлари ҳам келди. Туманда пахта етиштириш режаси ҳам ўлда-жўлда. Бир ёқда камбағалликка қарши курашиш... Ҳокимнинг кўнглига ҳеч нарса сиғмайди. Англадикки, унинг ҳузурига буюклар бюстларининг қаровсиз ҳолатига оид муаммони кўтариб бориш бефойда!





Яқинда Қўқон шаҳрида Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқатга янги ҳайкал ўрнатилди. Бу юксак санъат асари янглиғ ҳайкал ўрнатилгач, барча адабиёт ихлосмандлари қувонишди.

Аммо Бўстондаги “бўзлаётган” Фурқатнинг ҳолидан ким хабар олади?

Бу не кўргуликки, Бобур юртидаги “Бобур”нинг бюстига биров қарамаса, Бўстон туманида?



Айтишларича, Ўзбекистон халқ шоири, раҳматли Тўлан Низом бу ёдгорликларни авайлаб-асраб юрган. Бугун Андижонда Тўлан Низом каби адабиёт жонкуяри йўқми?

Наҳотки улуғ адиблар руҳини шод этиш маънавият эканлигини бўстонликлар ёдидан чиқарган бўлса? Чингиз Айтматов билан Мухтор Шохонов ҳаммуаллифликда ёзган “Чўққиларда қолган овчининг оҳи-зори” китобидаги шундай ибора ёдга тушади: “Маънавиятсиз киши товуққа ўхшайди, қаноти бўлгани билан юксакларга парвоз қила олмайди...”





Умид қиламизки, Бўстон туманидаги бу хунук ҳолатни бартараф этишга қодир бўлган маънавиятли масъуллар топилиб қолар...

**Муҳаммад КЕНЖА**

ВОҚЕИЙ ҲАНГОМА

# “ТЕЛЕФОНСИЗ КУН” АКЦИЯСИ

**Ўқитувчи дарсга кеч қолиши асло мумкин эмас. Бугун саҳардан ижод уммонига шўнғиб, вақт ўтиб кетганини сезмай қолибман. Ўзиям, ишга зўрға улгурдим. Журналистика факультетига ҳаллослаб кириб келганимда дарсга киришга қўнғироқ чалина бошлади.**

Кафедра мудиримиз “ишга вақтлироқ келиш керак” деган маънода қараб қўяр экан, ниманидир эслатди:

— Ректоратдан муҳим топшириқ келди, бугуноқ ҳал этиш керак, — деди қўлимга ишора қилиб. — Телеграмингизга қаранг.

— Минг бора узр, — дедим каловланиб. — Бугунни ўзим учун “Телефонсиз кун” деб эълон қилгандим...

— Тушунмадим?! — ҳайрон бўлди мудиримиз.

— Шаҳримизда “Автомобилсиз кун” акцияси ўтказилгани эсингиздами? Шунга ўхшаб мен ҳам ўзим учун чоршанбани — “Телефонсиз кун” деб қабул қилдим...

— Телефонингиз қани? — мудирнинг энсаси қотгани юзида акс этиб турарди.

— Уйга ташлаб келдим!..

— Йўғ-э... Нега?

Дарсга отланаётган қувноқ устозимиз Аҳмаджон ака гапимга ойдинлик киритди:

— Бир замонлар телефоннинг ўзи янгилик эди, энди телефонсиз юриш — ундан каттароқ янгилик! Инсоният неча минг йиллар телефон нималигини билмаган. Мобиль телефонсиз юриш гаштини энди Тўлқин домла айтади!

Ижтимоий тармоқларда фаол устоз Дадахон аканинг гапи қизиқ бўлди:

— Дониш домланинг телефонсиз юриши “Кун мўъжизаси”га айланади!..

Сермулоҳаза устозимиз Шавкат ака ширингина жилмайиб изоҳ берди:

— Домланинг шунақа “янгилик”лари доим тилларда достон бўлиб кетади!..

Профессор-ўқитувчилар бир лаҳзалик суҳбатдан ҳузур қилиб кулганча аудиторияларга – дарсларига тарқалишди.

Зийрак талабаларим “Телефонсиз кун” акцияси ҳақида эшитиб, аввалига ишонқирамай қарашди. Битта маҳмадонароғи сездирмасдан секингина телефон рақамимни териб кўргани юзида акс этиб турарди. Ҳозир гўё қўйнимда ёки сумкачамда телефоним жиринглаб кетса-ю, аудиторияни бошларига кўтариб хохолашса... Чиндан ҳам телефонсиз келганимга ишонч ҳосил қилишгач, ҳаммаси ҳайрон қолишди.

— Устозларнинг ҳар бир сўзи, саъй-ҳаракатларини сабоқ сифатида қабул қилинглар, — дедим тагдор қилиб. — Сиз лоақал дарсда телефонсиз ўтиришга ўрганинг. Мобиль телефонларни анави столга оборib қўйинглар.

Бурчакдаги столга 25 та мобиль телефон териб қўйилди.

— Мабодо сизга телефон зарур бўлиб қолса нима қиласиз? — ийманибгина сўради Умия исмли талаба қиз.

— Жаа зарил бўп қолса, бирортасиникидан фойдаланиб тураман, — дедим худди шуни мўлжаллаб қўйгандек.

— Савол берсам майлими? — одоб билан сўради Дилнура деган талаба қиз. — Мабодо фарзандларингиз сизни ахтариб қолишса, нима бўлади?

Шу тобда юрагим шув этса-да, сир бой бермасликка ҳаракат қилдим:

— Улар учун ҳам бир синов-да... — дедим бошқа жўялироқ гап тополмай. — Зарил бўлсам, ўзлари топиб олишади!..

Шу гапни айтаётиб, очиғи, вужудим титраб кетди. Чиндан ҳам фарзандларим излаб қолишса нима бўлади? Ўз оилалари билан бахтиёр яшаётган қизим ва икки ўғлим оналаридан айрилиб қолганларидан бери олтмишдан ошган отасига худди ёш боладан хавотир олгандек ҳушёр қараб юришини биламан. Мабодо телефонларига жавоб бермасам, уйимга боришлари аниқ. Эшигим очилмаса, ишхонамга излаб келишар...

Сўнгги фикрдан таскин топдим. Ҳар қалай, “қидирув”га беришдан аввал бир бора ишхонамизга ҳам келиб суриштиришар...

Дарсимиз телефонсиз тинч ва жуда зўр ўтди!

Бирор талаба телефон ўйнаб жиғимга тегмади, баҳона қилиб ташқарига чиқиб кетмади, маърузамни эътибор билан тинглаб, баҳс-мунозара қилишди!

— Бугун кўп нарса олдим, — деди Абдулазиз исмли талаба сўзларини саволга улаб. — Энди ҳар чоршанба сиз учун “Телефонсиз кун” бўладими? Бу акция соат неччида тугайди?

— Ярим тунда, — дедим худди режа асосида ҳаракат қилаётгандек. — Соат 00.01 да телефонимни қўлимга олиб кўра бошлайман!..

— Устоз, бу акцияга биз ҳам қўшилсак бўладими? — Бахтиёр исмли талаба телефонига ишора қилиб режасини айтди. — Келгуси чоршанбада биз ҳам телефонни ётоқхонага ташлаб келамиз!..

Талабамнинг бу гапига нима деб жавоб беришга дудуқланиб қолдим. Шу тобда ўзимдан ўтаётганини ўзим билардим... Жўяли жавобим шу бўлди:

— Қолганини ҳаёт кўрсатади! Қани, аввал келгуси чоршанбага эсон-омон етиб олайлик-чи...

* * *

Туман Кенгаши депутати бўлганимдан бери мен бечорага тиним йўқ. Дарсдан чиқибоқ режам бўйича депутатлар Кенгаши томон югурдим. Икки-уч чақирим жойга пиёда боришга ўрганиб қолганман. Таксига ўтирай десам, “пробка”да қолиб кетиш жонга теккан...

Ахборот сиёсати бўйича доимий комиссия йиғилишига зўрға улгурдим. Котибият бошлиғи Давронжон мени кўргач, юзи ёришди:

— Комиссия раиси нега кеч қолаяпти, дея хавотирга тушгандим, — деди у соатига қараб. — Хайрият, улгурдингиз. Бошқа депутатлар сиздан ўрнак олса арзийди. Бугунги комиссия йиғилишини телевидениега “съёмка” қилишаркан. Бу ҳақда телеграмингизга ёзиб қўйгандим, шу пайтгача қарамадингиз...

— Сизни огоҳлантирмаганим учун маъзур тутинг, — дедим унинг кўзига тик қараб. — Бугунни ўзим учун “Телефонсиз кун” акцияси деб эълон қилдим.

— Бу нима деганингиз?

— Ҳар чоршанба куни телефонимни қўлимга олмайман, — дедим ўзимни бамайлихотир кўрсатиб. — Эрталаб очиб қараганим ҳам йўқ. Энди ярим тунда кўришим мумкин...

Котибиятимиз бошлиғи қўлидаги телефонидан рақамлар тера бошлади. Чамаси, менга қўнғироқ қилди. Натижа бўлмагач, мийиғида кулиб қўйганча навбатдаги топшириқни айтди:

— Доимий комиссия йиғилишидан кейин сиз депутат бўлган маҳаллага бирга боришимиз керак, — деди қатъий оҳангда. — Олий Мажлисдан телефон қилишди, Қонунчилик палатаси депутатлари кечроқ “Университет” маҳалласи ва Талабалар шаҳарчасига келишаркан...

Телевидение мухбирлари йиғилиш жараёнини тасвирга олгач, интервью бердим. Бугун фуқаролик позициясида собит туришимиз зарурлиги ҳақида жўшиб сўзладим.

Кейин мени депутат қилиб сайлаган маҳалла томонга югурдик. Бундай пайт мобиль телефоним орқали сурат ва видеога олишимга ўрганиб қолишган баъзи аёллар жимгина ўтирганимга ҳайрон бўлиб қарарди. Талабалар ётоқхонасида психолог бўлиб ишлайдиган бир маҳмадона жувонча секин луқма ташлади:

— Видеога олмайсизми?

Машҳур ҳинд киносида Гита ва Зита ролини ижро этган актрисага жуда ўхшайдиган ўша жувончага ҳам бугун “Телефонсиз кун” деб эълон қилганимни пичирлаб тушунтирдим. Ҳар чоршанба тонгдан ярим тунгача телефонимни қўлимга олмаслигимни айтганимда, у ошиқчасига бурнини жийирди. Сўнг ёнидаги оқ рўмолли дугонасининг қулоғига пичирлади. Дугонаси мен томон ялт этиб қараб қўйганидан улар қандайдир режа тузаётганларини кўнглим сезди...

Суҳбатдан сўнг Олий Мажлис депутатлари билан бирга маҳаллани айланиб, янги бунёд этилаётган биноларни, таъмирланаётган йўлакларни кўздан кечирдик.

Ниҳоят, уйга қайтаётганимда қоронғи туша бошлаганди.

Ерости йўлига зиналардан бир-бир қадам ташлаб туша бошладим. Метро бекатида турган тумонат йўловчиларга назар солдим. Деярли ҳаммаси мобиль телефонига ёпишиб қолган. Одамлар шу технологиядан фойдаланишни шунчалик ўзлаштириб олганлари бир жиҳатдан жуда яхши, зарур хабарларни ўқишлари ундан ҳам яхши. Иккинчи жиҳати бироз хавотирли. Интернет ва “Youtube”да одамнинг онгини заҳарлаб ташлайдиган гап-сўзлар ҳам кам эмас-да...

Мобиль телефон бизга етиб келмаган даврларни яхши эслайман. Кўча-кўйда, метрода кўпчиликнинг қўлида газета-журнал ёки китоб кўрардингиз. Одамларнинг дунёқараши, савияси шунга яраша эди-да...

Ҳозирги кетишда одамларнинг савияси қай даражада бўлиб қоларкин?..

Ёшлар китоб, газета-журнал ўқимаяпти, деб зорланамиз. Хўш, катталар ўқияптими? Ўзим-чи? Интернет ва “Youtube”дан кўз узолмай қолганим рост-ку... Телефонсиз бир кунга ўтган аср йўловчисига ўхшаб қолдим...

* * *

Мобиль телефоним ҳақида энди бафуржа ўйлай бошладим. Уни қандоқ йўқотиб қўйдим ўзи? Эрталабки воқеа-ҳодисалар хаёлдан ўта бошлади. Уйим эшигини апил-тапил қулфлаб, метро томон югурдим. “Миллий боғ” бекатида ўта тиқилинч вагонга зўрға кирганимда, оёғим бетига бир парча тошдек нарса тақ этиб тушгандек бўлди. Тиқилинчда оёққа қарашнинг иложи йўқ эди...

Беруний бекатида метродан чиққач, қора камзулимнинг ички чўнтагига қўл суқиб, юрагим шув этди: чўнтак таги йиртилиб кетибди-ку! Демак, боя оёғимга тақ этиб тушган нарса телефоним экан-да, деган ўйга бордим...

Тумонат йўловчилар орасида ортга қайтиб телефонимни излаш бефойда эканини яхши биламан. Бу ёғи дарсга кеч қолаяпман... Йўрға отдек факультет томон илдам-илдам қадам ташлар эканман, хаёлимда мингта нарса чарх уриб айланарди.

Телефоним йўқолганини эшитганлар нима деб ўйлашади? Биров бировга ичи ачирмиди?..

Баъзи ичиқоралар қанчалик ҳузур қилишларини тасаввур қилаяпман...

Ижтимоий тармоқларда чиқишларимни кўриб, куйиб юрганлар “баттар бўл!” дейишини биламан... Ҳатто дўстларим ҳам енгил тортсалар, ажабмас...

Пластик карталардаги пулимчи нима бўлади? Мобиль телефонимни топиб олган кимса пулларимни ечиб олса-я?..

Ўғлим: “Пароль қўйиб берай”, деганида, “Менга ортиқча ташвиш бўлади”, деб қайтаргандим. Ана энди ўзингдан кўр, нодон домла...

* * *

Мобиль телефоним йўқолганини сир тутганим яхши бўлди.

Ўзим учун ҳар чоршанбани — “Телефонсиз кун” деб эълон қилганимга кўпчиликни ишонтира олдим! Қўлимда телефон йўқлигини кўргач, ишонмай бўладими?..

Метродан чиқиб, Миллий боғ ёнидаги кимсасиз йўлак бўйлаб одимлай бошладим. Тошкентнинг бетакрор гўзаллигини кўриш ва ҳис этиш учун бир бора мобиль телефондан воз кечиб, ён-атрофга боқиш керак экан! Эрталаб Талабалар шаҳарчаси тароватидан баҳра олган бўлсам, ҳозир ҳу нарида савлат тўкиб турган “Тошкент-сити”нинг осмонўпар биноларига, берироқда Адиблар хиёбонига боқиб сармаст эдим...

Бироқ шу тобда чироқлар йўлимни минг чароғон этмасин, барибир ичим ёришмасди. Раҳматли умр йўлдошимдан айрилиб қолгандан буён қанчалик ёлғизланиб қолган бўлсам, мобиль телефоним йўқолиб қолганида янада ўзимни ёлғиз ҳис қила бошлагандим. Уйим томон яқинлашар эканман, юрагим қанчалик ҳувуллаб қолганини сўз билан ифода этолмайман.

Залворли эшикда калитим шақир-шуқур қилаётган пайт ичкарида мобиль телефон жиринглаётганини эшитиб, юрагим ҳапқириб кетди! Хайрият, уйда қолган экан-ку!

* * *

Ҳақиқий томоша кейин бошланди.

Ижодхонамга отилиб кирганча телефон тугмасини босам, кимдир атай жим турибди. Рақамига қарасам: “Нўл”. Одатда, юқоридан казо-казолар, пири комиллар шунақа “Нўл”дан телефон қилишарди. Бу ким бўлдийкин?

— Алё, эшитаман, — дедим оҳиста.

Бунга жавобан икки-учта шўх-шодон аёлнинг қаҳқаҳаси эшитилди:

— Ва-ҳа-ҳаа...

— Кимсиз? — дедим беихтиёр юзимда табассум ўйнаб.

— “Телефонсиз кун” акцияси тугадими? Ярим оқшомгача қарамайман, деган эдингиз-ку?!

Товушидан танидим: бу ўша маҳмадона жувончанинг ўзгинаси!

— Ҳурматингиз учун телефонни кўтардим, — дедим бошқа гап тополмай. — Депутатлар билан суҳбат маъқул бўлдими?

— Ҳаммасидан қизиқроғи — “Телефонсиз кун” акциянгиз маҳаллада дув-дув гап бўлаяпти, — деди яна қаҳ-қаҳ отиб у. — Ўзи, хаёлга келмаган гапларни топиб юрасизде...

Шу пайт ўртага деканимизнинг ўкув ишлари бўйича муовини Абдунур домла туша бошлади:

— Алё, эшитаман, — дедим шартта унга уланиб.

— “Телефонсиз кун” акцияси ўтказаётганингиз ҳақида эшитиб қолдим, — деди ўйчанроқ овозда. — Душанба, сешанба, чоршанба кунлари назорат кучли бўлишини яхши биласиз, ундан ташқари, малака ошириш марказидан сўраб туришади. Ўша кунлари қўлингизда телефонингиз бўп турсин, келишдикми?

— Келишдик, — дедим тинчгина. — Раҳбарларимиз гапи биз учун қонун!

Суҳбат тугамасдан ўртага деканимизнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича муовини Равшанжон домла туша бошлади:

— Алё, эшитаман, — дедим энди унга уланиб.

— “Телефонсиз кун” ғояси зўр бўлибди! — Равшанжон домла одатига кўра кўнглимни кўтариб гапирди. — Қанийди, шу акцияни талабалар доим давом эттиришса!..

— Албатта, — дедим дилим ёришиб. — Баъзи талабаларга маъқул бўлди. Биз ҳам телефонимизни ётоқхонага ташлаб келамиз, дейишди!..

— Бу яхши-ку-я, — деди Равшанжон домла энди ҳақиқий мақсадга ўтиб. — Биласиз, кўп тадбирларимиз пайшанба, жума, шанба кунларига белгиланган. Ундан ташқари, университетга бириктирилган мактабларга, лицей ва маҳаллаларга бирга боришимиз керак! Демоқчиманки, ўша кунлари қўлингизда телефон бўп туриши шарт! Акцияни бошқа кунга белгилашингиз мумкин...

Яхшигина маош бериб турган университетимиз раҳбарларининг гапини икки қилиб бўладими? Деканимиз ўринбосарларига бир хилда “Хўп бўлади!” дейишдан бошқа жавобим йўқ, албатта!

— Хайриятки, ихтиёримда якшанба бор, — дедим дилимдагини тилимга чиқариб. — “Телефонсиз кун” акциясини дам олиш кунига кўчирдик!

Равшанжон билан хайр-хўшлашишга улгурмасимиздан Давронжоннинг рақами кўринди. Дарҳол у билан боғландим:

— Эшитаман...

— Маҳаллада депутатлар билан учрашув ҳокимга ҳам маъқул бўлибди, — деди у хушнуд бир кайфиятда. — Бунинг учун туман депутатлар Кенгаши котибияти сизга алоҳида ташаккур билдиради.

— Раҳмат, — дедим ўзим ҳам шу учрашувдан қониқиш ҳосил қилиб. — Энг муҳими, халқимиз рози бўлса, бас!

— Ҳокимимизнинг битта гапи эсдан чиқмасин, — деди Давронжон бу ёғига сиёсийроқ тус бериб. — Якшанба ва байрам кунлари — халқ учун! Депутатлар ва ҳокимлик ходимлари айнан шу кунлари маҳаллаларни айланиб юришимиз, ҳаммаёқ топ-тоза туриши учун ҳашарлар уюштиришимиз, одамларнинг муаммоларини ўрганишимиз ва энг зарур ишларни тегишли мутасаддилар билан бирга ҳал этиб боришимиз зарур. Шунинг учун айнан якшанба кунлари телефонингиз ишлаб турсин. Бугунгига ўхшаб “Телефонсиз кун” акцияси, деб ўтирманг. Телеграмга ҳам қараб туринг. Сизни излаган пайтда тополмай қолмайлик...

Раҳбарларимизнинг эл манфаатини кўзлаб айтган топшириқларига “хўп” дейишдан бошқача жавоб бўлиши мумкинми?..

Суҳбат поёнига етгач, телефонимга қарадим: кун бўйи 22 киши телефон қилибди. Баъзилари 5-6 марталаб сим қоққан...

“SMS” ва телеграмда келган хатларни ўқий-ўқий тун ярмидан оққан маҳал кўзим илинибди. Қолгани тушга уланди. Телефоним йўқолиб қолганмиш. Одам деган тушида ҳам шунчалик сиқиладими? Телеграмдаги нозик гаплар, пластикдаги пулларни ўйлаб роса хунобим ошармиш. Шу пайт қаҳ-қаҳ кулги эшитилди. Ортимга қарасам, Зита ва Гитага ўхшайдиган маҳмадона жувонча жилмайиб турибди. Қўлида қадрдон телефоним! Қаердандир топиб олган, шекилли.

— Бер, — деб қўл чўздим.

— Ҳоо, бериб бўпман! — дермиш маҳмадона жувонча телефонимни роса айлантириб ўйнаб. — Битта қўшиқ айтиб берсангиз, кейин оласиз.

— Мен қўшиқ айтолмайман, — дебман зўрға ўзимни ўнглаб.

— Бунақа қилиб айтасиз, — дея у диконглаб бир ажнабийча қўшиқни хиргойи қила бошлади. — “Сан тул, ман тул, гал манга банд бўл, олорииим, молорииим”...

Аттанг, етолмай қолдим, у ўйнаб-ўйнаб бир эшикка кириб кетди.

Бино пештоқига қарасам, катта-катта ҳарфлар билан “БАХТ УЙИ” деб ёзиб қўйилган экан...

Шу топда ҳайрият, телефоним жиринглаб, уйғониб кетдим.

Гўшакдан Рамзиддин аканинг хавотирли товуши эшитилди:

— Ҳозир дарсингизга ректорат ўқув бўлимидан Топилдиев кирар экан, — деди кафедра мудиримиз огоҳлантириб. — “Ишчи режа”, маърузалар жойида бўлсин...

— Хўп, хўп, — дедим зўрға ғўлдираб.

Ўзимни ўнглаб соатга қарасам, дарс бошланишига бир бахя қолибди...

Оёқни қўлга олиб ишхонам томон югурдим. Йўл-йўлакай чўнтагимни пайпаслаб кўрсам, телефоним чўнтагимда. Эҳ, телефонсиз ақалли бир кун ўтказишнинг иложи йўқ экан-да. Қизиқ, телефон ихтиро қилинганига унча кўп бўлгани йўқ. Бундан 35-40 йил аввал шу зорманда йўқ эди, ҳамма биб-бинойидек юрар эди-ку. Энди бўлса...

Майли, замонангдан ўргилай, бугун телефон шу қадар “ҳаёт-мамот” масаласи бўлиб кетганига ўзим ҳайрон эдим. Яна “Телефонсиз бир кун” деган акция ўтказаман деб юрибман-а. Акция эмас, аския қилишим ҳеч гап эмас экан... Лекин барибир бу “ташаббусим”дай қайтганим йўқ. Ўйлаб тирибман, ахир, ахир одам телефонсиз ҳам яшаши мумкин!

**Тўлқин ЭШБЕК**

ХОРИЖ

## УКРАИНА РОССИЯ БИЛАН МУЗОКАРАЛАР БОШЛАШГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

***Дональд Трампнинг АҚШ президентлигига сайловдаги ғалабаси фонида Украина Россия билан музокаралар олиб боришга тайёрланмоқда. Бу ҳақда “Deutsche Welle” хабар берган.***




Ҳозирда Украина тинчлик музокараларида ўзининг бошланғич позициясини мустаҳкамлаш учун қўшимча қуроллар етказиб бериш ва жанг майдонидаги позицияларини сақлаб қолишга интилмоқда. Трамп президентликка киришгач, Украинадаги урушни “24 соат ичида” тугатишга ваъда берганди.

“Келгуси тўрт-беш ой урушда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Бу қиш ҳал қилувчи пайт. Умид қиламанки, уруш якунига яқинлашмоқда. Ҳозир биз музокараларда ҳар икки томоннинг позицияларини аниқлаб оламиз”, деган исмини ошкор этмасликни сўраган украиналик амалдор.

Унинг сўзларига кўра, ҳозирда Киевда Трамп маъмуриятидаги асосий лавозимларга кимлар тайинланиши кутилмоқда. Чунки бу уларнинг Украинага нисбатан қандай сиёсат юритмоқчи эканини тушунишда ёрдам беради. Украиналик расмий АҚШнинг янги президенти лавозимга киришганидан сўнг Киевга кўрсатиладиган ёрдам қисқариши хавфини тан олган.

## ҚАТАРНИНГ ИСРОИЛГА МУРОЖААТИ

***Қатар Исроилга амирлик ҳудудида жойлашган ХАМАС гуруҳи раҳбарларини йўқ қилишдан тийилишни сўраб мурожаат қилган. Бу ҳақда “КАН” телеканали хабар бермоқда.***



Маълум қилинишича, сўров воситачилар орқали юборилган ва сони бўйича иккинчиси ҳисобланади. Биринчиси Теҳронда ХАМАС етакчиси Исмоил Ҳаниянинг йўқ қилинишидан сўнг айтилганди. Қатарнинг бу қадами Доҳанинг Исроил ва ХАМАС ўртасидаги воситачиликни тўхтатиш ҳамда гуруҳнинг юқори мартабали вакилларини мамлакатдан чиқариб юбориш тўғрисидаги сўнгги қарорлари билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Бунга жавобан Фаластиннинг “Қудс-Пресс” агентлиги ХАМАС етакчиларининг Қатардан чиқариб юборилиши ҳақидаги маълумотни инкор этувчи баёнот берди. Гуруҳ вакиллари бу даъволарни чалкашлик ва келишмовчиликлар келтириб чиқаришга қаратилган “ёлғон” деб атаган.

## АВСТРАЛИЯДА ҚУЛЛИККА ҚАРШИ КУРАШУВЧИ КОМИССАР

***Австралия ҳукумати мамлакат тарихида биринчи марта қуллиққа қарши комиссар лавозимини жорий этди. Бу лавозимни “Walk Free” халқаро инсон ҳуқуқлари ташкилоти раҳбари Крис Эванс 2 декабрдан бошлаб беш йил муддатга эгаллайди. Бу ҳақда мамлакат Бош прокуратураси маълум қилган.***



“Замонавий қуллик бир қатор эксплуатацияларни қамраб олади, жумладан, одам савдоси, мажбурий никоҳ, мажбурий меҳнат, алдамчи ёллаш ва бошқалар. Қулликка қарши комиссар замонавий қулликнинг олдини олиш ва унинг жабрдийдаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган саъй-ҳаракатларини кучайтиради”, деган бош прокурор Марк Дрейфус.

Австралия ҳукумати Қулликка қарши комиссарни ташкил этиш ва фаолияти учун 8 миллион Австралия доллари (5,3 миллион АҚШ доллари) ажратган.

ОАВ хабарларига кўра, мамлакатда сўнгги йилда 1,9 мингдан ортиқ одам замонавий қуллик қурбонига айланган.

## НОҚОНУНИЙ АКТИВЛАР ҚОЗОҒИСТОНГА ҚАЙТАРИЛДИ

***Қозоғистонда яна 525 миллиард тенге (тахминан 1 млрд доллар) ноқонуний активлар давлат даромадига айлантирилди. Бу ҳақда мамлакат ҳукумати хабар берган.***




Қайд қилинишича, Бош вазир Ўлжас Бектенов раислигида ноқонуний активларни қайтариш бўйича комиссия йиғилиши бўлиб ўтган. Унинг қарорига кўра, қўшимча 525 миллиард тенге давлат даромадига айлантирилган.

Бу маблағга Остона шаҳрида таянч-ҳаракат тизимида нуқсони бўлган болаларни реабилитация қилиш маркази ва Олмаота шаҳрида 400 ўринли алоҳида эҳтиёжли кишилар учун ўқув маркази қуриш харажатларига йўналтирилиши режалаштирилган.

**Интернет маълумотлари асосида**
**Ислом ЭГАМБЕРДИЕВ тайёрлади.**

ТАЪЛИМ ВА САМАРА

# ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА КАДРЛАР МАСАЛАСИ БУГУННИНГ ЭНГ ДОЛЗАРБ МАВЗУСИДИР

**Шу йилнинг 20 июнида Президент Шавкат Мирзиёев раислигида муҳандислик соҳаларида кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Танқидий-таҳлилий руҳда ўтказилган ушбу йиғилишдан сўнг биз муҳандислик соҳасида кадрлар тайёрлаш борасида олиб бораётган ишларимизни қайта кўриб чиқдик ва аниқланган муаммолар бўйича тизимли чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, уларни амалга ошириб келмоқдамиз.**



Йиғилишда муҳандисларнинг бугунги кунда ҳар соҳада ўрни муҳимлиги таъкидланди. Хусусан, озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасига эътибор берадиган бўлсак, ушбу соҳа долзарб бўлиб, у инсон саломатлигини таъминловчи муҳим омиллардан биридир.

Кейинги йилларда иқлимнинг кескин даражада ўзгариши, экологик вазиятнинг ёмонлашиши, дунё миқёсида демографик кўрсаткичларнинг ортиб бориши натижасида озиқ-овқат маҳсулотлари ва унинг хавфсизлигига бўлган талабларнинг-да тобора ортишига сабаб бўлмоқда. Бу, албатта, ушбу соҳадаги муҳандис кадрларнинг ҳар томонлама илмий салоҳиятини оширишни тақозо этади.

Бухоро муҳандислик-технология институтида “Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси ва сервис” кафедраси мавжуд бўлиб, унда 1000 га яқин талаба таҳсил олади. Кафедранинг илмий салоҳияти 81 фоизни ташкил қилади (фан доктори — 3 нафар (улардан 2 нафари профессор илмий унвонига эга), техника фанлари бўйича фалсафа докторлари — 15 нафар, катта ўқитувчилар — 5 нафар). Биз профессор-ўқитувчиларимиз малакасини жаҳон талаблари асосида ошириш мақсадида уларнинг халқаро лойиҳаларда иштирокини таъминламоқдамиз. Хусусан, озиқ-овқат соҳасидаги кадрлар салоҳиятини оширишга қаратилган “ECAMPUZ-ERASMUS-EDU” лойиҳаси амалга оширилмоқда. Лойиҳада Даниянинг Копенгаген университети, Испаниянинг Экстремадура университети ва республикамиздан бир қатор олий таълим муассасалари иштирок этмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 717,0 минг еврони ташкил этади. Мазкур лойиҳа доирасида 10 нафар талаба ва докторантлар озиқ-овқат маҳсулотларини таҳлил қилиш усуллари, озиқ-овқат микробиологияси ва озиқ-овқат хавфсизлиги, озиқ-овқат кимёси ва молекуляр гастрономия соҳаларида Испаниянинг Экстрамадура университетида ташкил этилган 2 ҳафталик ёзги тажриба тадбирларида иштирок этиб қайтишди. Айни дамда 2 нафар илмий тадқиқотчи Даниянинг Копенгаген университетида озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича 3 ойлик стажировка ўтамоқда. Келгусида талаба, магистр ва докторантлардан иборат 5 кишилик гуруҳ ушбу соҳа бўйича 2 ҳафталик ёзги ўқув семинарида ва 1 нафар илмий изланувчимиз хорижда стажировка ўташи режалаштирилган.

Бундан ташқари, институтимизда озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида “Ёшга боғлиқ касалликларнинг олдини олиш учун ун маҳсулотларининг янги турларини ишлаб чиқиш” мавзусида 870 млн сўмлик лойиҳа, “Ёғлар ва зиғир уруғи асосида функционал хусусиятли композицион ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологиясини яратиш ва уларни мақсадли қўллаш” мавзусида 950 млн сўмлик лойиҳалар мавжуд. ГИЗ халқаро лойиҳаси доирасида Латвия табиий фанлар ва технологиялар университети билан 2023-2024 йилларда умумий қиймати 200 000 евролик лойиҳа амалга оширилди. Шунингдек, ушбу олий таълим даргоҳи билан “2+2” ўқув дастури бўйича ҳамкорлик қилинди. Бундан ташқари, лойиҳага асосан, режада белгиланган биоиқтисодиёт, озиқ-овқат микробиологияси, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш ускуналари, озиқ-овқат қўшимчалари, янги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқиш, озиқ-овқат маҳсулотларини сенсорли баҳолаш, озиқ-овқат маҳсулотларини қадоқлаш, озиқланиш физиологияси каби фанлар доирасида малака оширилди. Бир нафар профессор ўқитувчимиз ГИЗ лойиҳаси доирасида амалий тадқиқот бўйича танлов ғолиби бўлди.





Бундан ташқари, институтда “Бухоро вилоятида халқаро стандартлар талаблари асосида ўлчаш воситаларига метрологик хизмат кўрсатиш тизимини яратиш” амалий лойиҳаси ишлаб чиқилган. Лойиҳа қиймати 3 миллиард сўмни ташкил этади. Бунда вилоят халқ хўжалиги тармоқларида экспортбоп маҳсулотлар, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга халқаро талаблар асосида кўмаклашилади ҳамда халқаро андозалар асосида аккредитланган лаборатория ташкил этилади.

Институтимиз докторантлари ҳам озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича бир қатор инновацион лойиҳаларни амалга оширяпти. Жумладан, 2,5 млрд сўмлик “Маҳаллий ўсимликлардан фойдаланиб, халқаро стандарт талаблари асосида доривор экологик қўшимчали нон ва кондитер маҳсулотлари олиш” лойиҳаси ҳамда “Мақсадли цукат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологиясини яратиш”, “Миллий унли маҳсулотлар технологиясида маҳаллий фитоқўшимчаларни қўллаш” каби лойиҳаларни рўёбга чиқаришга ҳаракат қилинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, институтимизда барча йўналишларда дуал таълим йўлга қўйилмоқда. Ҳозирда 220 нафар талабамиз дуал таълим асосида ишлаб чиқариш корхоналарида таҳсил олишяпти. Уларнинг 31 нафарини кимё ва озиқ-овқат йўналиши талабалари ташкил этади.


Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш Ўзбекистоннинг мустақиллигини, мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорликни таъминлашнинг гарови ҳисобланади. Аҳоли турмуш фаровонлигини ва даражасини янада ошириш, халқимизни озиқ-овқат билан тўлақонли таъминлаш масалалари озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоси билан чамбарчас боғлиқдир. Шу боис мамлакатимизда озиқ-овқат дастурини амалга ошириш асосида озиқ-овқат хавфсизлигини ижобий юксалтириш назарий асосларини ва устувор йўналишларини илмий-назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш зарурати мазкур тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

**Садоқат СИДДИҚОВА,**
**Бухоро муҳандислик технология институти ректори.**

ЁД ЭТИБ

# Алижон Пайғамов ким бўлган?

## Ёки домланинг омонат гапи



**Ўшанда 1994 йилнинг баҳори эди. Фарғона вилояти прокуратураси органлари томонидан жиноятчиликка қарши кураш бўйича мақола тайёрлаш учун “Қишлоқ ҳаёти” газетасидан хизмат сафарига боргандим. Вилоят прокурори умумий назорат бўлими ходимига мени Қўқон шаҳрига олиб бориб, шаҳар прокурори номидан мақола тайёрлашим учун ёрдам беришини айтди. У пайтлари прокуратура идораларидан ахборот олиш учун расмиятчилик талаб этилмасди, аксинча, жойларда прокуратуранинг адабиётга, матбуотга қизиққан, ижодга ихлоси бор ходимларидан бирига оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳамкорлик қилиш вазифаси бириктириб қўйилар эди. Энг муҳими, прокурорлар ҳам газета ўқишарди. Таҳририятларда воқеликларни, факт ва рақамларни таҳлил қилишга иқтидорли, оқни қорадан ажратишга қодир бўлган ва ҳамма нарсани ўз номи билан айтишга журъати етадиган холис журналистлар кўп эди. Янада муҳими, тамадан виждоний нафсониятини, касб шарафини баланд тутадиганлар кўп эди. Чоп этилган танқидий мақолалар тегишли идоралар томонидан ўрганилиб, қонунда белгиланган муддатда чоралар кўрилар ва бу ҳақда таҳририятга расмий жавоб ёзилар эди.**

Бозорлардаги нарх-наволар узоқ йиллар ўзгармас, қалам аҳлининг ойлик маошлари жуда баланд бўлмаса-да, баракали эди. Шу боис, журналистларнинг аксарияти ҳақиқат мезонларини муқаддас деб билишарди, ёлғон ёзишдан уялишар эди.

Бу эртак эмас, ўттиз-ўттиз беш йил илгариги газетачиликдаги мавжуд муҳитдан бир оддий ҳикоя, холос.

Шундай қилиб, менга ҳамроҳлик қилган прокурор билан Фарғонадан то Қўқонга етгунимизча, худди эски танишлардай дилдан гаплашиб кетдик.

Шаҳар прокурори билан суҳбатлашиб, мақола учун маълумотларни олиб бўлгач, ҳамроҳим бир илтимоси борлигини айтиб қолди:

— Қўқонга яқин Ўзбекистон туманидаги “Соҳибкор” жамоа хўжалиги раиси Алижон Пайғамов ҳақида нимадир ёзсангиз, жуда улуғ иш бўларди-да. У киши жуда фидойи инсон, ҳамма у кишини домла деб ҳурмат қилишади...

Прокуратура ходимиданки шундай таклиф бўлдими, демак, Алижон Пайғамов ҳақиқатан улуғ инсон экан, деган хулосага келдим.

“Соҳибкор” жамоа хўжалиги мева-сабзавотчиликка ихтисослашган экан. Юз-кўзларидан нур ёғилиб турган, раисларга хос қоматли Алижон аканинг камтаринлиги ва ширин каломи биринчи кўришишимиздаёқ унга бўлган ҳурматимни ошириб юборди.

Ўша куни Алижон домла билан унинг “Espero” русумли хизмат автомашинасига ўтириб, “Мўйи муборак” қадамжосига бордик. Айтишларича, бу муқаддас қадамжода пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг табаррук мўйлари сақланар экан. Шу боис ҳамюртларимиз бу жойни зиёрат қилишар экан.

— Қадамингиз қутлуғ экан, — дея домла лутф қилади. — Бугун хўжалигимиз пиллакорлари режаларини ортиғи билан бажаришди.

Пиллахонага бордик. Пиллакорлар билан Алижон Пайғамовнинг ўзаро муносабатини кўриб, раис ходимларига шу қадар меҳрибон бўларкан-а, деб ҳайрон қолдим.

— Фарғоналиклар сизни домла деб аташар экан-а? — дедим атай ўсмоқчилагандек.

— Асли касбим ўқитувчилик. 1942 йилдан 1981 йилгача бир кам қирқ йил мактабда дарс берганман, директор ҳам бўлганман. Тўғри, қайси вазифада ишласам ҳам одамлар менга домла деб мурожаат қилишади.

— Дунёда энг улуғ касб ўқитувчилик-да, — дея унга юзланаман. — Менинг отам ҳам ўқитувчи. Қирғизистоннинг Ўш вилояти Аравон туманида ўзбек тили ва адабиёти фанидан эллик йил ўқитувчилик қилганлар. Домланинг ўғли эканимдан доимо фахрланиб юраман...

Алқисса, Алижон Пайғамовнинг ҳаёт йўлига назар ташлаб, у билан бўлган узундан-узоқ суҳбатлар натижасида шуни англагандимки, оҳанрабоси қанчалар қудратли бўлмасин, бойлик, зебу зийнат, ҳашаматли ҳаёт, мансаб — буларнинг ҳамма-ҳаммаси ўткинчи, қўлдан қўлга ўтиб юрувчи омонат нарсалар экан. Кишини инсоний одоб, илм, яхши ният билан қилинган амаллар, ота-онасининг дуоларини олиш, инфоқ-эҳсон қилиш уни эл-юрт ичида азизу мукаррам қилар экан.

Ўшанда “Қишлоқ ҳаёти” газетасида “Одамийлик мактабининг муаллими” сарлавҳали мақола чоп қилинди. Ушбу мақола Ўзбекистон тарихида бир туманда узлуксиз энг узоқ раҳбарлик қилиб донг таратган иккита инсоннинг бири Алижон Пайғамов экани ҳақида эди. У минглаб гектар майдонларда боғлар яратиш ишида бош-қош бўлган.

Касбим туфайли бахт топган журналистлардан бири сифатида айтаманки, қирқ йилдан ортиқ ижодий фаолиятим давомида юзлаб олижаноб инсонлар ҳақида очерклар, портретлар, эсселар ёздим ва энг муҳими, улар орасидан самимий дўстлар, ҳаёт устозларимни топдим. Шундай устозларимдан бири Алижон Пайғамов бўлди. У ҳар сафар хузурига борганимда “менинг энг азиз меҳмонимсиз” деб қарши олар эди. Ҳаёт кечмишлари, адабиёт ҳақида суҳбатлашиб ўтириб, тонглар отиб кетарди.

Шундай суҳбатларимиздан бирида Алижон ака: “Сизга бир омонат гапим бор: албатта, шундай кунлар келади, бу ҳақда ёзасиз”, деди. Аллоҳга яқин инсонлар оламдан ўтишини олдиндан сезиб қолар эканми, устоз Алижон домла билан бу суҳбатимиз охиргиси бўлган экан.

1997 йили домланинг оламдан ўтгани ҳақидаги хабарни эшитиб, ўша пайтдаги “Қишлоқ ҳаёти” газетасининг бош муҳаррири, раҳматли Неъмат Ёқубов билан Қўқонга фотиҳага бордик. Тошкентга қайтгач, Алижон Пайғамов ҳақида “Одамийлик мактабининг муаллими эди” деб номлаган хотира мақолам босилди. Мақола чиққанидан бир неча кун ўтиб бош муҳарриримиз Неъмат ака чақириб қолди. Хонасида эллик ёшлар чамасидаги озғиндан келган киши мен билан худди эски қадрдонлардек қучоқлашиб кўришди.

— Меҳмон Алижон Пайғамовнинг шогирди — илмий текшириш институти олими экан, — дея Неъмат Ёқубов таништирди. — Пайғамов ҳақидаги мақолангизни ўқиб сизга раҳмат айтгани атайлаб Қўқондан келибди...

Бундай самимият унутилмас воқеа эди, албатта.

Алижон Пайғамовнинг “омонат гапи” ҳақида ёзиш мақсадида яқинда Қўқонга бордим. Муҳсинжон деган эски қадрдоним орқали “Нуроний” жамғармаси Қўқон бўлими раиси Манзуржон Абдуллаев билан кўришдик. Мақсадимизни билгач, Манзуржон ака жудаям хурсанд бўлиб кетди. У киши билан бирга “Мўйи муборак” қадамжоси зиёратига бордик. Йигирма саккиз йил аввал кўрган юз йиллик чинорлар ҳам анча улғайибди. Зиёратгоҳ атрофи ободлашибди.

— Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоровнинг саъй-ҳаракати билан бу муқаддас жой қайта таъмирланди, — деди ҳамроҳим. — Бу тарихий маскан ўз даврида Қўқон хонининг ёзги дам олиш жойи ҳам бўлган.

Манзуржон ака Абдуллаев очиқ кўнгил, шу билан бирга фикр-мулоҳазаларини дангал айтадиган, матбуот вакилларига ҳурмат-эътиборли, атрофига кўпни кўрган нуронийларни жипслаштира олган, шоирлик қонида бор ижодкор инсон экан.

— Алижон Пайғамовни яхши билган инсонлар билан кўришсак бўларди, — дедим.

Манзуржон ака аввал нонушта қилиб олайлик деб, Қўқоннинг янги Чорсусидаги “Шаршара” чойхонасига бошлади. Бундан ўттиз-қирқ йил аввалги ҳаётни ёдга солувчи чойхонада, асосан, ёши улуғ эркаклар суҳбатлашиб овқатланишмоқда. Ҳамроҳимни кўпчилик танир экан. Ҳали нафасимизни ростламасимиздан бир оқсоқол ёнимизга келиб ўтирди.

— Бу киши Тусматов Неъмат ҳожи, — дея ташиштирди Манзуржон ака. — Меҳмон Тошкентдан, журналист, Алижон Пайғамов ҳақида хотира ёзиш учун келибди.

Нима мақсадда келганимни эшитиб, Неъмат аканинг кайфияти кўтарилиб кетди.

— Алижон Пайғамовдек инсонлар дунёга кам келади, — деди у. — Алижон ака колхозимизга раис эди. Бир куни уста бўлиб ишлайдиган Юсуфжон акамга назари тушиб қолибди. Акамнинг ўн битта фарзанди — бир қиз, ўн нафар ўғли борлигини билгач, устачилик билан шунча болани боқиб бўлмайди, деб колхознинг товуқ фермасини берган экан. Паррандачилик фермасида ишлаб, бола-чақасини боқиб вояга етказган акам доим Пайғамов домлани дуо қиларди. Ҳасанбой деган участковойга Алижон Пайғамов: “Ота-онаси йўқ, тарбияси оғир иккита болани боқиб тарбияланг”, деб айтган. Шу тариқа Ҳасанбой мелиса савоб ишни давом эттириб, кўчада қолиб тарбияси бузилган етти нафар етим болани фарзанд қилиб боқиб, тарбиялаган.

Манзуржон аканинг айтишича, Қўқон атрофида ёши улуғ бўлган ким билан гаплашсангиз ҳам, албатта, Алижон Пайғамовнинг савобли ишларини эслайди.

Тусматов Неъмат ҳожининг айтишича, Алижон домла бирор муаммони кўрса ёки бир киши келиб дардини айтса, муаммони ечиб шу ишни охирига етказмагунича тинчимас экан. У ҳар куни бомдоддан кейин ҳудудларни айланиб юрар экан. “Қаймоқли гузар” маҳалласидаги Муқимий кўчасида яшовчи Турдиали қори билан кўришиб дуо олиб кетаркан. Бир куни қорининг ярим сотихча келадиган тор уйига кирса, ҳовлидаги супада еттита бола қатор ётган экан. Қайтиб чиқибди-да, уй-жой беришга масъул бўлган раҳбарни бошлаб келиб аҳволни кўрсатибди. Ўша куниёқ уй-жой берилибди. Бутун қўқонликлар яхши танийдиган ҳофизи қуръон — Турдали қорининг борига сабр қилиб яшаганини айтмайсизми?

Беихтиёр Мир Алишер Навоий ғазалига Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжон ёзган мухаммасидаги ушбу мисралар ёдга тушади:

*Чарх авзойи бу дам аввалгиларға ўхшамас,*
*Котибу давру рақам аввалгиларға ўхшамас,*
*Энди инсон қадри ҳам аввалгиларға ўхшамас,*
*Кўнглум ичра дарду ғам аввалгиларға ўхшамас,*
*Ким ул ойнинг ҳажри ҳам аввалгиларға ўхшамас...*

Фақат Қўқону Фарғонада эмас, бутун мамлакатимизда олтмишинчи-тўқсонинчи йиллари элюрт хизматида бўлиб эътиборга тушган инсонларнинг қай биридан сўрасангиз, Алижон Пайғамов номини ҳамон ҳурмат билан эслашади. У киши ҳақидаги хотира мақола ёзилмасидан аввал, ниятимизни эшитган нуроний отахонлар раҳмат дейишди. “Шундай асл инсонни эслаб, катта савоб ишга қўл урибсизлар, илоҳо, қўлларингиздаги қаламинглар олтин бўлсин”, дея дуо қилишди. Алижон акани биламиз деб юрсак-да, яхши билмас эканмиз, ҳаёти ва босган қадами савобдан иборат ҳазрати инсон тўғрисида катта китоб ёзса бўларкан.

Китоб ёзиш ҳақидаги ўй хаёлимдан ўтганида, Алижон Пайғамовнинг шахсий минглаб китоблари тақдири нима бўлди экан, деб ўйладим. Жавонларидаги нодир китобларнинг кўпининг муаллифлари —машҳур ёзувчи ва шоирлар дастхатларини ёзиб беришган. Афсус, бугун кирилл алифбосидаги бу нодир асарларни биз кексалардан бошқа яна ким ҳам ўқий оларди? Ёшларнинг саводи лотинда чиққан-ку!

Қўқонда бўлган кунимиз Расул ҳожи деган эски қадрдонимизнинг қайнотаси улуғ ёшида оламдан ўтиб қолибди. Манзуржон Абдуллаев ва бир неча оқсоқоллар билан таъзияга бордик. Жаноза намозига тумонат одам йиғилди. Ҳоким бошлиқ шаҳарнинг бош имом-хатиби ва яна бошқа бир қанча олим-уламолар ҳам марҳумнинг яқинларига таъзия билдиришди. Азал-азалдан исломий урф-одатларни қадрлаб келган қўқонликларнинг жаноза маросимидаги ботартиблигини, ёши улуғ кексаларга бўлган ҳурмат-эҳтиромини кўриб ҳавасим келди. Қабристонидаги хонлар шаҳрига хос бўлган ободончиликни айтмайсизми!

Домланинг омонат гапи нима эди, деб қизиқаётгандирсиз?

Гап бундай бўлган эди:

“Мен Алижон Пайғамов эмасман, ҳақиқий исми шарифим Муҳаммадали Пайғамбарқулов. Яна қайта айтаман, мен, аслида, Муҳаммадали Пайғамбарқулов бўлганман, шу ҳақда ёзарсиз.”

Шўролар замонида исм-шарифларгагина эмас, бутун миллатимизга ана шундай беписанд қараш мавжудлигига далолат бу. Чунки бола туғилганда ўз билганларича исму шарифларни ёзиб юбориш, саводсиз гала “ўзбек”, гала “ўрис”ларнинг ўйини бўлган эди. Айтайлик, Жума исмини “Джума” деб ёзиш, Аҳмад деган номни “Амад” дея расмийлаштириш гўёки оддий ҳол бўлган. Аслида бу инсон тақдири, номи, шаъни эканлиги у замон саводсизлари учун ҳеч гап эмас эди. Балки бу нарсалар атай қилингандир. Нима бўлганда ҳам қаҳрамонимизнинг асл исми “Алижон” эмас Муҳаммадали, фамилияси эса “Пайғамов”мас, Пайғамбарқулов бўлган экан. Қаранг, ана шундай эл оқсоқоли бўлган инсон ҳам қайсидир маънода давр, сиёсат қурбони бўлиб, ҳатто ўз исми-шарифининг тўғри ёзилиши, юритилиши бир армон бўлиб ўткан экан-да!

Азиз ўқувчим! Бугун елкамдан тоғ ағдарилгандай бўлди. Муҳаммадали Пайғамбарқуловнинг васиятини амалга оширдим. Омонатини элга етказиб, тарихий ҳақиқатни баён этдим...

Зиммамда ана шундай омонатдан яна битаси турибди. Бу омонат ҳам асли Қўқон томонлардан золимларнинг зулми туфайли Янгийўлга келиб қолган раҳматли қадрдоним, ҳаёт устозларимдан бири Ўлмас Машариповнинг омонатидир...

**Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,**
**Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.**

ЯХШИЛИК

**Ёши улуғлар бошдан кечирганларини гапириб беришни хуш кўришади. Шу баҳона улар ўз умрини сарҳисоб қилгандай бўлишса, не ажаб. Онажоним ҳам менга кўрган-кечирганлари ҳақида кўп ҳикоя қиларди. Улардан бири қорақалпоқ адиби Ўрозбой оға Абдураҳмонов ҳақида эди. Таниқли адиб Хайриддин Султоннинг "Одамлардан тинглаб ҳикоя" асарини ўқиб онамнинг ҳикояси ёдимга тушди.**



# ЎРОЗБОЙ ОҒАНИНГ СОВҒАСИ

Онамнинг асл касби бошқа бўлса ҳам, 1982 йил — ёшлик даврларида уйга яқин деб, ҳозирги кундаги "Дўрмон" ижод уйига кир ювувчи бўлиб ишга киради. Ишлаб юрган кунларнинг бирида ишга келмаган фаррош опанинг ўрнига хона тозалашга боради. Онам ораста қилган хоналарнинг биттасида қорақалпоқ ёзувчиси Ўрозбой Абдураҳмонов дам олиб, ижод қилаётган экан. Онам хонани тозалаб бўлгач, тўсатдан Ўрозбой оға уни саволга тутади:

— Ҳой, сен кимсан ўзи?

— Жумагул, — дейди онам хавотирланиб.

— Хўп, отинг Жумагул экан. Ўзинг кимсан?

— Қайси маънода кимман?

— Касб маъносида, — дейдилар Ўрозбой оға.

— Кир ювувчиман. Нега сўраяпсиз, хонангизни яхши тозалай олмадимми? — онам қўрқиб кетади.

— Йўқ, хонани жуда яхши тозаладинг, раҳмат. Лекин ўзингни тутишинг, муомалангдан кўриниб турибди, касбинг бошқа бўлса керак сени.

— Шундай демайсизми? Сал бўлмаса йиғлаб юборай дедим-ку, — бу гапдан кейин онам хотиржам тортади. — Тўғри, асл касбим ҳамшира. Олдинги ишим шаҳар марказида бўлганлиги сабаб, ҳарна уйга яқин бўлсин деб, шу ерга ишга кирдим. Ёш болаларим бор...

— Ҳа, айтдим-ку, зиёли эканинг билиниб турганди. Адабиётга яқин кўринасан?

— Тўғри айтасиз, китоб ўқишни яхши кўраман, адабиётга жуда қизиқаман, оға.

— Жуда соз, кел, сенга китоб совға қиламан, — дея устоз адиб дастхат ёзиб, онамга бир китобларини совға қиладилар.

— Менга умримда биринчи маротаба китоб совға қилган одам сиз бўлдингиз, оға, катта раҳмат, мен учун бу совға жуда азиз бўлиб қолади, — миннатдорчилик билдирадилар онам.

Шунда Ўрозбой оға:

— Сен, Жумагул, ортиқ бундай юрма. Қўлингда ҳунаринг бор экан, бундан фойдаланиб, ўз касбингда ишла. Яхши ишлаб, одамларда ўзинг ва касбингга нисбатан ҳурмат уйғотсанг, ҳали кўп китоблар совға қилишади. Билсанг, ҳар банданинг касби одамлар орасида эъзоз топишига бир имкон, — деб маслаҳат беради ёзувчи.

Онам Ўрозбой оғанинг гапини "Дўрмон" ижод уйининг раҳбарига етказиб, у киши совға қилган китоб ва унга ёзилган дастхатни кўрсатади. Сўнгра ҳамшираликка ишга ўтади ва шу ишда ўттиз йилга яқин вақт ишлаб, нафақага чиқадилар. "Ўттиз йил ишлаб, қанчадан-қанча ёзувчилар билан кўришдим, уларни даволадим. Ҳақиқатан ҳам, бу ёзувчилар менга кўплаб китоблар совға қилишди. Аммо Ўрозбой оға совға қилган китоб олган совғаларимнинг ичида энг қадрлиси бўлиб қолаверди. Чунки у менга ким эканимни, аниқроғи, ҳаётдаги вазифам нима эканини эслатган, яшаш борасида тўғри йўлга етаклаган эди. Аслида, яхши ёзувчилар шунақа бўлади. Қандай инсон эканингни дарров танийди. Нафақат ёзган асарлари, балки айтган икки оғиз гаплари билан ҳам сенинг ҳаётингни ўзгартира олади", деб айтардилар онам. У киши биз фарзандларини ҳам зиёлиларга ҳурмат руҳида, қалбимизни адабиётга, илмга мойил қилиб тарбияладилар.

Онамдан эшитганим ушбу воқеа эсимга тушса, ҳар сафар Ўрозбой Абдураҳмоновдан чексиз миннатдор бўламан. Ахир ўйлаб қарасам, у киши берган совға нафақат онамнинг ҳаётини ўзгартирган, балки биз фарзандларининг ҳам қалбимизда зиё чироғини ёққан экан...

**Элмира ИМАНҚУЛОВА**

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР

# Мумтоз қўшиқлар шайдоси

**Маълумки, бугунги кунгача Ўзбекистондан "Бойсун маданий муҳити", "Шашмақом", "Катта ашула", "Наврўз", "Аския — сўзамоллик санъати" каби миллий-маданий бойликлар ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритилган. Булар орасида "Шашмақом"нинг алоҳида ўрни ва аҳамияти бор. Чунки инсоният тафаккурининг ёрқин маҳсули бўлган мақомларимизда халқимизнинг узоқ йилларга туташган тарихи, маънавий дунёси, бадиий фалсафаси, руҳи, қадриятлари мужассам. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларданоқ мумтоз қўшиқчилик санъатимизни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги "Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, 2020 йил 26 майдаги "Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони фикримизга далил бўлиши мумкин. Чунки бу қарор ва фармон айнан мақом санъатини юксалтиришга қаратилган. Шу ўринда мазкур қарор ва фармон ижросини таъминлаш жараёнида салмоқли натижаларга эришилаётганлигини ҳам алоҳида эътироф этиш жоиз. Жумладан, мақом қўшиқчилиги йўналишида турли фестиваль ва танловлар мунтазам ўтказилиши йўлга қўйилганлиги халқимизни мумтоз санъатимизга янада яқинлаштириб, янги-янги истеъдодларни кашф қилишга хизмат қиляпти.

Айниқса, Муножот Йўлчиева, Ҳуррият Исроилова, Марям Сатторова каби мумтоз қўшиқларнинг моҳир ижрочиларига чин дилдан ҳавас қилиб, улардек етук мақомчи бўлишни орзу қилган ёшларнинг кўпайиб бораётгани мақом санъатининг истиқболига умид ва ишонч уйғотади.

Ангрен шаҳридаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Робияхон Абдумавлонова ана шундай мақом қўшиқларига чин дилдан ихлос қўйган ёш истеъдодлардан бири. У қўшимча равишда шаҳардаги 10-мусиқа ва санъат мактабида ҳам таҳсил олади.

Робияхон таълим олаётган мактабларнинг қай бирига борманг, у ҳақида "аъло баҳолари ва намунали хулқи билан бошқа ўқувчилардан ажралиб туради, ўз устида тинимсиз ишлайди, изланади, барча тадбирларда фаол қатнашади" деган фикрлар билдиришади.

— Фортепьяно чалиш сирларини ўрганиш учун ушбу мактабга келганимдан жуда хурсандман, — дейди Робияхон Абдумавлонова. — Чунки бу мактабда Нозимжон Раҳматов, Орифжон Чориев, Нодира Ҳожиева, Нуриддин Дадаев каби устозларимдан куй чалиш, қўшиқ айтиш сирларини ўрганяпман. Улар қийналган пайтларимда вақтини аямай менга ёрдам беради, тушунмаган жойларимни тушунтириб, хатоларимни тўғрилаб боради. Айниқса, устозим, "Ниҳол" мукофоти совриндори Нодира опа Ҳожиевадан беҳад миннатдорман. Устозим мумтоз қўшиқларга бўлган ҳавасимни меҳрга айлантирди. "Сенинг овоз имкониятинг юқори, мусиқани ҳис қиласан", деб мақтаб, мени руҳлантирди.

Дарҳақиқат, таълим-тарбияда ўқувчиларнинг қизиқиши, лаёқатини сезиш ва уни шу йўналишда боришга илҳомлантиришнинг аҳамияти катта. Нодира Ҳожиева, тиббиёт тили билан айтганда, Робияхонга тўғри ташхис қўйди, дейиш мумкин. Чунки устознинг кўрсатмалари, тавсиялари билан мумтоз қўшиқ куйлашда ёш ижрочининг истеъдод қирралари тезда ярқ этиб кўзга ташланди. Шаҳар ва вилоятда ўтказилган тадбирларда мақом қўшиқларини куйлаб, томошабинлар эътибори ва эътирофларига сазовор бўла бошлади.

Ёш ижрочи куйлаган қўшиқлар Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Ўзбекистон" каналида эфирга узатиладиган "Ойдин ҳаёт", "Болажон" каналининг "Салом, болажон", "Маданият ва маърифат" каналининг бир нечта кўрсатувларида эфирга узатилди.

Бугунги кунга келиб, Робияхон Абдумавлонова нафақат республика, балки халқаро миқёсда ўтказилган кўплаб танловларда иштирок этиб, ғолиблар сафидан ўрин олган ёш ижрочига айланди. "Музика жизни", "Одочонию дети", "Spring Soubds", "New Talents", "Славянский базар" каби халқаро, "Камалак юлдузлари", "Истеъдод", "Ёшлар овози", "Янги юлдузлар", "Дилларда ватан мадҳи" каби республика миқёсида ўтказилган танловлар шулар жумласидан.

Робия Абдумавлонова ҳозирги кунда "Zo'r TV" телеканалида намойиш этилаётган "Овоз" кўрсатувининг саралаш босқичидан ўтиб, Батлтрио босқичида иштирок этиш учун "DJ Piligrim" гуруҳи солисти Илҳом Йўлчиев раҳбарлигида тайёргарлик кўряпти.

— Қизимдан жуда хурсандман, — дейди онаси Хосият опа. — Навоий ғазали билан айтиладиган "Айлагач", "Мустаҳзод", "Баёт-4", Нодира ғазали билан "Тановар-2" қўшиқларини эшитганимда, "Рости билан шу қиз Робиямикан?" деб кўзимдан ёш чиқиб кетади...

Биз мусиқа ва санъат мактабида Робияни устози билан янги қўшиқни машқ қилиб тайёрланаётган пайтда учратдик. Робияхон танбур оҳангига жўр бўлиб "Айлагач" қўшиғини куйлаяпти:

*Ҳусни ортар, юзда зулфинг анбар*
*афшон айлагач,*
*Шам равшанроқ бўлур торин*
*паришон айлагач.*
*Юзни гуллардин безабму бизни*
*қурбон айладинг,*
*Ё юзингга тегди қонлар бизни*
*қурбон айлагач...*

Қўшиқ тугади. Танбурнинг дилтортар оҳанги, қўшиқнинг мазмунли сўзлари ва Робияхоннинг ширали овозига мафтун бўлиб қўшиқ тинглаётган тингловчилар — синфдош дўстлари, бизга ҳамроҳлик қилган устозлар беихтиёр қарсак чалиб олқишлашди. Биз ҳам қўшилдик.

Ҳа, Робияхон Абдумавлонова учун бу дастлабки қарсак ва олқишлардир. Агар машқни бўшаштирмай, устозлари кўмагида изланишларни астойдил давом эттирса, албатта, кўзлаган манзилига етади деб ишонамиз. Ана ўшанда у катта саҳналарда куйлайди. Эл олқиши гулдурос қарсаклар бўлиб янграйди.

**Робия АБДУЛЛАЕВА,**
**Ўзбекистон давлат хореография академияси санъатшунослик таълим йўналиши 4-босқич талабаси.**

ҲИКОЯ

# ФРАНЦУЗЧА ГАПИРА ОЛАСИЗМИ?



Азиз НЕСИН

Франсузчадан таржима қилган романимни китоб сотувчисига ташлаб, пулини олдим-да, Боязид масжиди томон юра бошладим. Қарасам, рўпарамдан соллана-соллана бир ҳурлиқо келяпти. Очиғи, киши атрофида ҳамма вақт гўзаллар бўлиши мумкин. Аммо сўз бераман, одам бундай офатижоннинг фарқига, албатта, боради. Ҳозир ким билан бўлса ҳам гаров ўйнайман, бу аёл француз!

Сочининг учидан тортиб туфлисининг пошнасига қадар Париж атири уфуриб турар, нозик бўйнидаги оқ холли ҳаворанг рўмоли шамолда йўловчиларни қўнғироқдек чорларди. Мен сизга нима дедим, француз дедимми, ана, у кўча миршаби томон кетди. Гаплари шундоққина эшитилиб турарди.

— Esküze muva Mösyö L'ajan... Parle vous Franse?

Миршаб ҳайрон бўлиб сўради:

— Хизмат, хоним?

— Parle vous Franse?

Миршаб аёлга ниманидир тушунтиришга ҳаракат қилар, қўлидан ҳеч вақо келмаганидан тинмай кафтини қимирлатар, соҳибжамолга ёрдам беришга тиришарди.

Буни қаранг-да энди. Турист, турист деймиз-у, ўзи оёғимизнинг тагига келиб турса-ю, унинг на тилини билсак ва на дардини англасак. Аммо миршабнинг хорижлик меҳмонга ёрдам беришга шайлиги таҳсинга лойиқ. Ниҳоят, иложсиз қолганидан у йўлдан ўтиб кетаётганларга қарата:

— Ҳой, ҳой, кечирасиз, орангизда француздан биладиганлар борми? — деди. Лекин билгич бўлмади. Фақат бир кекса одам йўл-йўлакай:

— Эсиз, билсам эди, жон деб ёрдам берардим, — деди ва қўшиб қўйди. — Ёшлигимизда "donne muva" деб юрардик ҳартугул. Ёки "donne muva ön beze"миди, ишқилиб-да...

Миршаб шўрлик француз хонимига астойдил кўмак бермоқ истарди. Шу пайт қўли билан аёлга "юр" ишорасини қилди ва биргаликда четдаги йўлакка чиқдилар. Йўлда ўн беш-ўн олти ёшлардаги ўқувчилар келишарди. Миршаб ўсмирлардан бирининг билагидан тутди-да:

— Ўғлим, parle vous Franse? — деб сўради. Йигитча бироз довдираганча дўстларига қаради. Миршабнинг ярим туркча, ярим француза гапириши ёшларни ҳайрон қолдирганди. У яна бошқа бир ўспиринга юзланди:

— Parle vous Franse, ўғлим?

Ўқувчи:

— Йўқ, амаки... — деди.

Учинчиси:

— Узр, мен ҳам гапиролмайман, — деди.

Меҳмон хоним эса:

— Par u il fo aile... — деркан, теварак қизиқувчиларга тўлиб кетди. Ёрдамга шай бўлганлардан бири:

— Инглизча бўлса бажонидил. Инглизчани аммо қийвораман, — деди. Бошқаси бўлса:

— Инглизчани ҳамма билади, — деди шартта.

— Ҳа, хотин бечорага қийин бўпти. У тағин ҳожатхонани сўраётган бўлмасин.

— Вой, шўрлик...

— Ёрдам берайлик бечорага.

Ҳар тарафдан ҳайбаракаллачилар тўпланган пайтда, бир йигит туркчани французчадек гапирса, жувон тушунадигандек, шундай деди:

— Мадам... Пардон... Яъни сиз ҳалигини изланяпсиз... Шундайми?

— Ҳалиги деманг-эй, чет эллик хоним уялади ахир, — деди яна бири унинг гапини тузатиб.

— Tuvalet...ми, хоним? Шуни сўраяпсизми?

Миршаб эса яна ўқувчиларга ўгирилиб деди:

— Сизлар қандай ўқувчисизлар-а? Бир "Parle vous"ни тушунмасангиз, ҳайф сизларга!

Шу маҳал ўсмирлардан бири шошганча хонимдан:

— Parle vous Franse? — дея сўради. Жувон эса кулимсираганча ўз тилида:

— Vly... Natürelman... U e la müze d'arkoloji? — деди.

Миршабга жон кирди. Йигитчанинг ажнабий тилда гапираётганидан мамнун, уни энди ўртоқлари ёнида достаклашга тушиб кетди:

— Баракалла, қани, ўғлим, жавоб бер-чи. Янаям кўпроқ "Parle vous Franse" дегин-чи, қани, кўпроқ гапир!

— Амакижон, бошқа гапиролмайман, фақат ўқий оламан, холос, — деди халоскор ҳам. Буни эшитиб, оғайниси гапга қўшилди:

— Ие, ахир француз тилидан ўндан тўққиз балл олдинг-ку. Қани энди гапир, кўрайлик-чи?

— Грамматикадан сўраса, биламан, қарасанг-чи, нуқул "parle vous" деяпти, — деди бола ҳам ноилож.

Энди аёл сўраганига пушаймон бўлгандек турарди, кетай деса, у учун шунча оломон жон куйдириб ётибди. Камига дастёр миршаб тўпланганларга қарата:

— Хўш, наҳотки ичингиздан бирорта "parle vous" французчани биладиган бўлмаса? — деди ҳафсаласи пир бўлиб.

Орқадан кимдир баланд овозда гапирди:

— Ҳалиги, нима эди-я қурғур. "Комси, комса"миди?

— "Комси комса" дейилмайди, биродари азиз, — деди кимдир киноя билан.

— Унда нима дейилади, афандим, айтинг-чи?

— "Ön pö" дейилади, "ön pö"...

— Ҳааа, "ön pö" дейиларкан, қойил! Келинг, унда французчани чалпак қилиб ташланг-чи!

— Тажриба йўқ, азизим, тажриба. Китоб бўлганидами, ағдар-тўнтар қилиб ташлардим сизга, — деди билағонлик қилиб.

— Тўғри айтдингиз, дўстим. Шунинг учун таржима бошқа, "parle vous" бошқа...

Бу орада ҳалиги ўқувчилар бир-бирига гап қотди.

— Ҳеч қурса, сен гаплаш.

— Нима дейин ахир, бу хотин мениям тушунмаса, шарманда бўламан.

— Француз хотинларига "бей"ни қандай айтади?

— Ўғлим, "бей" ҳар сўзда бир хил. Французча учун алоҳида сўз йўқ.

Гўзал меҳмонга ғала-ғовурнинг бир нафи тегмаётганидан миршабнинг жони сиқилар, ора-орада бояги ёшларга: "Ичингизда шу хотинни мот қилиб қўядиган битта мард топилмайди, эсиз", деб қўярди. Шу маҳал француз тилидан ўндан тўққиз балл олган ҳалиги ўқувчи уяла-уяла:

— Regüliye феълларини сўрасин, майли, жавоб бераман, — деди. Уни тушунгандек, аёл дона-дона қилиб тушунтирди.

— Pardon... Mösyö L'ajan, je mere aile o müze d'arkoloji En sikö o pale dö Topkapi?

Миршаб дарҳол йигитчага қаради:

— Нима деди?

— "Топкапи" деяпти.

Кекса йўловчи сўради:

— Яъни бу хотин Франциядан атайлаб Топкапига келибдими?

— Ахир бу турист бўлса, истаса Топкапига, истаса чопкапига келади, сизга нима? — деди бирови.

— Шундай-ку-я, лекин Топкапида нима қиларкин, қизиқаяпман, — деди қария ҳам бўш келмай.

Хижолатдан ер бўлган миршаб эса ҳар замонда томошаталабларга қарата:

— Орангизда шу француз тилида икки оғиз гапни эплаб гапирадиган наҳотки топилмаса, — дерди умид билан.

Талотўпда ҳассасига суянганча турган бошқа бир қария:

— Менинг хотирам панд бермаса, бир нечта сўзларни билардим, — деди қалтираб. — Бироқ буни хонимга айтиб бўлармикин?

— Айтинг, худо хайрингизни берсин, нимадир денг! — деди миршабнинг тоқати-тоқ бўлиб.

— Нима десам экан. Буни, адашмасам, ўттиз йил олдин Шаҳзодабошидаги Тулуат театрида эшитгандим. Хотирамдан кетмаган бўлса, "Je vuzem je vuze dö tu mon kör... Ah mon amur..."миди, валлоҳу алам.

Ҳаммага қараб, ҳайрон бўлаётган ажнабий гўзал бирдан хандон отиб кулди-ю, сўнг:

— Je vure mersi Mösyö... Me il... — дея дарғит кафтини оғзига олиб борди-да, ғалати товуш чиқарди. Ҳамма гуррос кулиб юборди. Аммо бояги нусха пинагини бузмасдан давом этди:

— Энди бўлса одамнинг эсида французча қоладими, тавбангдан кетай? Кеча нима еганимни эслолмайман-ку.

Кимдир луқма ташлади:

— Ҳақиқатни айтадиган бўлсам, ҳамма айб ўзида.

— Нимага? — деди кимдир.

— Хотин бошинг билан бегона мамлакатга келяпсан, бир-иккита туркча сўзни ўрганиб келсанг асаканг кетармиди а, нима дединг из?

— Тўппа-тўғри! Шундай бўлсайди, амаллаб ишора қилиб бўлсаям тушунтирардик, — деди шеригини маъқуллаб аёллардан бири.

— Ҳа, айб ўзида. Қани англасайди, унга ҳеч бўлмаса бир қаҳва икром этардик.

— Қаҳва нима бўлибди, мен уни тушликка таклиф қилардим.

— Хўш, буни унга қандай тушунтирардик?

— Овқат "manje" дейилади, — деди болалардан бири топағонлик билан.

— "Manje"ни ҳамма билади, қароғим. Салон-палон деган кўп сўзларнинг номи зотан ўша ердан келиб чиққан, — деди бояги хотин ўзини доно кўрсатиб.

Оломон ичидан чиқишга уринаётган аёлга миршаб йўлбошчилик қиларкан, гўё уловига одам чорлаётган киракашдек:

— Қани, ким "parle vous Franse..."ни билади, битта бўлсаям борми? — дерди гавжум жойга умидланиб. Шу замон бир ўқувчи:

— Айтганча! — деб юборди.

— Демак, эсингга тушди, қани, гапир, ўртоқ, — деди ҳамсабоғи далда бериб. Болалар орқада пичир-пичир гапира бошлашди.

— Ҳалиги... "арувар" феълининг эндикативи нима эди?

— "Jave, tü ave, il ave, nu zavon, vu zave il... zave"ми, охиргисими?

— Йўқ, сен "пассе семпл"ни айтаяпсан...

— Аввало, бу "parle vous" феъли негативми, позитивми, шуни билиш керак!

Сабр косаси тўлган аёл одамларнинг ичидан чиқмоққа уринаркан, миршаб:

— Madam, pardon... ün münit... Болалар энди гапиришади, — деди уни тўхтатиб.

Кейин болаларга:

— Қани энди, йигитча, ғайрат қил, — деди ишонч билан. Қайси биридир: "Бунинг ўрнига "Jö süvi" ишлатилади", деса, бошқаси: "Хўп, ундан кейин-чи?" дерди. Бу орада тамоман чарчаган хоним уларга гапирди:

— Jö vu rö mersi mösyö L'ajan. Jö viyen dö şanze L'ide si vu vule le son la disküisyon...

Ўқувчилардан бири эса тушунгандек:

— Ҳа, madam, jö süi parle Franse, — деди.

Турганларнинг бари бирдан ўспиринни олқишлади. Одамлар ниҳоят француз хоними билан кимдир гаплашишга муваффақ бўлди, деб ўйлашди ёки шундай бўлишини чин дилдан исташди. Оқибатда жувон талатўпдан чиқди-ю, йўлига равона бўлди...

Сезиб турибман, ҳозир каминадан: "Модомики, сиз французча романни таржима қилибсиз, нима учун аёл билан ўзингиз гаплашмадингиз?" — дея сўраётгандирсиз. Қани эди, мен бу тилни билсам... У ҳолда қандай қилиб асар таржима қилаётибманми? Нафсиламрини айтсам, эски турк тилига бир қанча французча китоблар ўгирилган. Камина эса ўша эски ёзувларни янги туркчага ағдариб қўя қоламан, холос. Сўнг уларни французчадан таржима қилдим, дейман-у сотаман. Ким ҳам мендан "Parle vous Franse?"ни сўрарди дейсиз?..

**Турк тилидан**
**Наргиза АСАДОВА таржимаси.**

## АДАБИЙ ДЎСТЛИК

**Адабиёт тил, миллат танламайди. Асли туркман фарзанди бўлган, Бухоро ва Хивада таҳсил олган Махтумқули Фироғий яратган сатрлар бугун ҳар бир ўзбек севиб тинглайдиган куй-қўшиқларга айланиб, кўнгилларда яшамоқда. Махтумқули — покиза туйғулар, муҳаббат, тинчлик куйчиси. У ўзбек халқининг ҳам фарзанди, севимли шоирига айланган. Бу эса икки халқни биродарлик ришталари мустаҳкамлигига муносиб хизмат қилади.**



# МАХТУМҚУЛИ ФИРОҒИЙ – ЭЗГУЛИК КУЙЧИСИ

Яқинда пойтахтимизда шоир ва мутафаккир Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллиги муносабати билан тантанали адабий-маърифий хотира кечаси бўлиб ўтди. Энг гўзал маданият масканларидан бири бўлган – Алишер Навоий номидаги давлат катта академик театрида бўлиб ўтган кечада таниқли давлат ва жамоат арбоблари, дипломатик корпус вакиллари, маданият ходимлари, зиёлилар, шоир ва ёзувчилар, журналистлар, санъаткорлар, ижодкор ёшлар, адабиёт ихлосмандлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди. Театр биносига кириш залида шоир Махтумқули ҳаёти ва ёзиб қолдирган адабий меросига бағишланган ажойиб кўргазма ташкил этилди.

Тадбир давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан 2024 йил 19 февраль куни имзоланган “Буюк туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш, шу билан бирга икки қардош халқ ўртасидаги адабий-маданий, маънавий алоқаларни янада мустаҳкамлаш, ёшлар ўртасида китобхонликни янада ривожлантириш мақсадида ўтказилди. Анжуман аввалида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири Озодбек Назарбеков сўзга чиқиб, буюк шоир ижоди туркман ва ўзбек халқлари учун ҳам бирдек қадрли эканлиги, халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар юраклардаги эзгу тилаклар рўёби, тинчлигимиз, фаровонлигимизга хизмат қилиши ҳақида сўзлади. Шундан сўнг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид, Туркманистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда элчиси Шодурди Мередов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, таниқли шоир Мирзо Кенжабек, Кинематография агентлиги директори вазифасини бажарувчи Шуҳрат Ризаевлар Махтумқули Фироғийнинг Ўзбекистон билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳаёт йўли ва ижодий мероси тўғрисида сўз юритдилар. Хусусан, Махтумқули шеъриятининг халқчил аҳамияти, дунё тафаккури хазинасига муносиб ҳисса бўлиб қўшилганлиги, икки давлат ўртасидаги мустаҳкам дўстлик ришталари ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирдилар. Йиғилганлар эътиборига икки халқнинг дўстлиги ва ҳамкорлигига бағишланган лавҳалар тақдим этилди.

Хотира кечасида айтилганидек, жорий йилда Турксой халқаро ташкилоти 2024 йилни “Махтумқули йили” деб эълон қилди. Шу кунга қадар шоир ижодидан ўзбек тилига турли таржималар амалга оширилган. Жумладан, шоир ва таржимон Мирзо Кенжабек Махтумқулининг 170 та диний-тасаввуфий мазмундаги шеърларини илк бор она тилимизга сайланма ҳолида тақдим этди.

Хотира кечасининг бадиий қисмида шоир шеърларидан яралган қўшиқлар элимизнинг таниқли санъаткорлари томонидан ижро этилди. Талаба ёшлар Махтумқули ижодидан намуналар ўқишди. Махтумқули ҳаётини акс эттирувчи драмадан саҳна кўриниши намойиш этилди.

Шунингдек, жорий йилнинг 11 октябрь куни Туркманистонда Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллигига бағишланган “Замон ва цивилизациянинг ўзаро боғлиқлиги – тинчлик ва тараққиёт асоси” мавзусида халқаро форум бўлиб ўтган эди. Мазкур форум доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Махтумқули таваллудининг 300 йиллигига бағишланган медаль билан тақдирланди. Мамлакатимиз раҳбари Туркманистон Халқ Маслаҳати раиси Гурбангули Бердимуҳамедовга Махтумқулининг ўзбек тилига таржима қилинган асарлари тўпламини совға қилган эди.

Республикамиз матбуотида Махтумқули ижодига бағишланган кўплаб мақолалар чоп этилди. “Жаҳон адабиёти” журналида Туркманистон халқ ёзувчиси Қилич Қулиевнинг “Махтумқули” романи нашр этилди. Асар таржимони — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Музаффар Аҳмад.

Икки халқнинг дўстлиги Махтумқули Фироғий адабий мероси сабаб янада мустаҳкамланиб бормоқда. Бу айни адабий жамоатчилик орасида кенг ёйилган “Адабий дўстлик – абадий дўстлик” шиорининг амалдаги ифодасидир.

Шоир ижодини ўрганиш ва уни жойларда тарғиб қилиш, адабий кечалар ташкил этиш республикамизнинг барча ҳудудларида давом этмоқда.

**Гулнора ШЕРМАТОВА**

## ТАШАББУС

# ҲОКИМ КУБОГИ

**Урганч туман ҳокимининг туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими билан ҳамкорликда “Ҳоким кубоги” мусобақаси бўлиб ўтди.**

Урганч тумани ҳокими Ғайратжон Султонов ёшлар билан суҳбатлашиш мақсадида учрашган пайтида ўқувчилардан бири ҳокимнинг ихтисослиги ҳуқуқ фани бўйича эканлигидан хабар топиб, туман раҳбарига қарата: “Устоз, бизга “Маҳорат дарси” ўтиб беришингизни истар эдик”, деди.

Ушбу ўқувчининг таклифи кўплаб ёшлар томонидан маъқулланди. Туман ҳокими бу таклифга рози бўлди ва “Маҳорат дарси” ўтишга қарор қилди.

Шундай қилиб, ҳуқуқ фанига қизиқувчи ёшлар бу борадаги билимларини янада мустаҳкамлашга киришдилар. Бу дарсга қизиқувчилар жуда кўпайиб кетганлиги боис Ғ.Султонов “Ҳоким кубоги” мусобақасини ўтказишни таклиф қилди. Таклиф ташаббусга айланди. Ҳокимнинг ташаббуси билан тумандаги 44 та мактабда “Ҳоким кубоги” мусобақаси учун беллашувлар бошланди. Мазкур жараёнда ўқувчилар ҳуқуқ фанига бўлган қизиқишларини намоён этишди. Ҳар бир ўғил-қиз ўз ҳуқуқини билиб олди. Бундан ташқари, жамиятда юриш-туриш, ўзини тутиш, жамоат жойларида одоб сақлаш борасида бирмунча тушунчага эга бўлиб, ҳуқуқ борасидаги кўпгина саволларга жавоб изланди. Ёшлар ўзларининг билимларини мусобақанинг мактаб босқичида синовдан ўтказдилар.

Жорий йилнинг 30 октябрь куни ушбу беллашувнинг мактаб босқичлари якунига етди. Мазкур ҳудуддаги 44 та мактабнинг иқтидорли ўқувчилари — биринчи босқичда ғолиб бўлганлар якуний босқичда иштирок этдилар.

Биринчи ўринни тумандаги 5-сонли мактабнинг 10-синф ўқувчиси Диана Бекбаева, иккинчи ва учинчи ўринларни 1-сонли мактабнинг 11-синф ўқувчиси Моҳира Латипова ва 42-сонли мактабнинг битирувчиси Ҳусинбой Матназаровлар эгаллади.

Урганч тумани ҳокими ёшларнинг илм-фанга бўлган муҳаббатини кўриб, ҳуқуқ фанини ўқитишга бўлган эътиборни кучайтириш бўйича топшириқ берди, бу борада ўзларининг меҳнатларини аямаётган фидойи устозларга миннатдорлик билдирди.

Ўқувчи ёшлар “Ҳоким кубоги” мусобақаси натижасида ўзларининг ҳуқуқий билимларини янада ошириб олишмоқда.

**Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА**

## ОГОҲ БЎЛИНГ!



# “УДДАБУРОН”ЛАРГА АЛДАНИБ ҚОЛМАНГ

**Қадрли юртдошлар!**

**Ер, мулк, уй-жой билан боғлиқ муносабатлар тарихан қадриятимизга айланган. 2024 йилнинг 5 август санасида Давлатимиз раҳбари ватандошларимиз учун муҳим бўлган яна бир тарихий Қонунни имзолади.**

Жорий йил 8 ноябрдан миллионлаб юртдошларимиз кутган “Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги қонун кучга кирди. Унга кўра 2024-2025 йиллар учун тасдиқланган режа-график (https://kadastr.uz/uz/etirof-etish-reja-jadvali) асосида маҳаллаларда кадастр ходимлари томонидан хатлов ишлари бошланади.

Сизга мурожаат қилишимдан мақсад эса огоҳликка чақиришдир!

Узоқ йиллар давомида ўзи яшаб келаётган уйини қонуний расмийлаштириб олишни ният қилиб юрган инсонлар кўп, аммо вазиятдан фойдаланиб, ноқонуний йўллар билан даромад қилишни режа қилиб юрган “уддабурон”лар ҳам йўқ эмас. Сизларни бундай кимсаларнинг ҳар қандай сўзлари ва ваъдаларига ишонмасликка чақирамиз.

**Биринчидан,** маҳаллалар аниқ тасдиқланган режа-график асосида хатловдан ўтказилади. Бири қолиб, иккинчисига ўтилмайди, яъни халқ тили билан айтганда, “тезлаштириб беришнинг имкони йўқ!”

**Иккинчидан,** хатловдан кейин “ЭЪТИРОФ” дастури (https://etirof.kadastr.uz/)га киритилган ҳар бир ҳолат бўйича 15 дан ортиқ вазирлик ва идоралар хулосаларини беради ҳамда турар жойлар космик суратлар ёрдамида таҳлил қилинади.

**Учинчидан,** хатлов жараёнида қонун билан аниқ белгилаб берилган 8 та тоифага кирувчи ҳолатлар ўрганилади. Ҳозирда эгаллаб олиб, қурилиш қилиб қонунийлаштириб олишни режа қилаётганларга кескин чоралар кўрилади ва бу ишлар ҳам ахборот тизимлари орқали назорат қилинади. Ишонаверинг, “таниш-билиш ўтмайди!”

Ҳурматли юртдошлар, ҳар қандай ҳолатда ҳам фирибгарлик, тамагирлик ёки коррупция ҳолатларига дуч келсангиз, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар беринг.

Мазкур Қонуннинг адолатли ва самарали ижро этилиши барчамизга бирдек боғлиқ эканлигини ёддан чиқармайлик.

**Фаррух ПЎЛАТОВ,**
**Кадастр агентлиги директори.**

## ТААССУФ

# АВТОМОБИЛНИ “ЎЙИНЧОҚ” ДЕБ БИЛАЁТГАНЛАР

**Ҳозирги кунда дунё шиддат билан ривожланиб, инсон ҳаёти тобора равнақ топиб, фаровонлашиб бормоқда. Соат сайин илм-фан ва турмушнинг барча соҳаларида ихтиролар, кашфиётлар, янгиланишларга дуч келамизки, бундай ғаройиб ҳодисалар кишини баъзан ҳайратлантирса, баъзан ажаблантиради.**

**Хусусан, техника, технологиялар, автомобилсозлик борасидаги ривожланиш ақлни шоширади. Бу борада автомобилсозлик саноати изчил ривожланиб бораётган мамлакатимиз — Янги Ўзбекистоннинг ҳам ўз ўрни, ўз улуши бор. Бугун юртимизда тайёрланган замонавий машиналар дунёнинг кўпгина мамлакатларини забт этиб бормоқдаки, бу барча ватанпарвар юртдошларимизга фахру ғурур бағишлайди.**

Ўтган йил давомида 9839 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлиб, кўнгилсизликлар оқибатида 2 мингдан ортиқ киши вафот этган



Аслида, йўл ва кўчаларда автомобилларнинг кўпайгандан-кўпайиб бориши аҳоли турмушининг яхшиланиб, иқтисодий аҳволи тобора ўнгланиб бораётганидан далолат. Ўтган асрларда эшак, от-аравалар, фойтунлар улов вазифасини бажарган юртимизда тарихан қисқа даврда “Damas”, “Nexia”, “Spark”, “Lacetti”, “Cobalt”, “Tracker”, “BYD” сингари замонавий автомашиналар ишлаб чиқарилмоқда.

Имконияти мавжуд ҳар бир инсон замонавий, кўпгина қулайлик ва афзалликларга эга машинага эга бўлишни орзу қилади ва шунга ҳаракат қилади. Шубҳасиз, ҳозирги даврда кундалик ҳаётимизни автомобилсиз тасаввур қила олмаймиз. Бу фикрнинг тасдиғини эрталаб ва кечқурун – йўллардаги тиғиз пайтларда амалда яққол кўрамиз. Пойтахтимизнинг нақ марказида, катта йўл ёқасида жойлашган ишхонамиз дераза-сидан кузатиб, кўп қаторли йўлда машиналарнинг сувдек оқаётганига гувоҳ бўламиз. Бу, албатта, яхши. Аммо...

Ҳозирда кўпгина хонадонларда бир-иккитадан, баъзиларида уч-тўрттадан ҳам машиналар бор. Уларнинг борлиги, кўплиги яхши, албатта. Ҳаётимизнинг кўрки, файзи бўлган, узоғимизни яқин қилаётган ана шу машиналарни бошқариб бораётган ҳайдовчилар йўлларда, кўчаларда йўл қоидаларига, аввалдан ўрнатилган йўл белгиларига амал қилиб боришса, ҳеч қандай кўнгилсизликларга дуч келинмайди. Аммо гуруч курмаксиз бўлмайди, дейилганидек, уларнинг орасида йўл қоидаларига амал қилмасдан автомашина бошқараётганлар ҳам оз эмас. Автоавариялари содир этаётганлар орасида вояга етмаган ёшдаги “ҳайдовчи”лар ҳам учраб туриши жамоатчиликни ташвишга солади. Гап автомашиналарни ҳам, ўсмир, баъзан ҳатто бола ёшидан ўтмаган фарзандларни ҳам қаровсиз қолдирмаслик ҳақида бормоқда.

Афсуски, сабаблар қандай бўлишидан қатъи назар, йўлларда содир бўлаётган автоҳалокатлар туфайли жабрланаётганларнинг катта қисмини мактаб ўқувчилари ташкил қилаётгани ҳам кўнгилни хира қилади. Масалан, шу йил сентябрь ойида Тошкент шаҳрининг Сирғали туманида “BYD” автомобили юқори тезликда келиб, тўққиз ёшли мактаб ўқувчисини уриб юборди. Оқибатда бегуноҳ қизалоқ касалхонага олиб борилган вақтда вафот этади.

Келинг, шу ўринда статистик маълумотларга назар ташлайлик. Биргина ўтган йилнинг ўзида 9839 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган. Кўнгилсизликлар оқибатида 2 мингдан ортиқ киши вафот этган.

Ҳар бир инсон яхши ният қилиб, янги машина олади. Улардан фақатгина қоидаларга амал қилиб, ҳаракатланиш талаб қилинади, холос. Афсуски, бунга айрим ўзига бино қўйган, мол-давлатига маҳлиё бўлган кимсалар амал қилишмайди. “Пул бўлса, чангалда шўрва” дегандек, автомобиль бошқариш ҳуқуқини берадиган ҳужжатни ташкил этилган ихтисослашган амалий курсларда ўқимасдан, ҳеч қандай синов-имтиҳондан ўтмасдан “сотиб олаётганлар” борлиги ҳам сир эмас. Ёки урчиётган муаммолардан бири, айрим “янги бой”лар ҳали мактабда ўқиётган фарзандларига қимматбаҳо машиналар олиб беришади. Эрка, тантиқ фарзанд эса ўртоқлари, синфдошлари билан кўчада тезликни ҳаддан зиёд ошириб, йўл қоидаларини бузади. Кўряпсизми, бир эътиборсизлик орқасидан иккинчи жиноят келиб чиқмоқда...

Айрим ҳолларда ҳали ўзини босиб ололмаган ёш йигитлар ўртасида норасмий пойгалар уюштириш оқибатида оғир йўл ҳаракати ҳодисалари содир бўлади. Бунга ижтимоий тармоқлардаги маълумотларда кунда-кунора дуч келяпмиз. Масалан, Навоий вилоятида икки нафар ёш йигит иккита “BYD” машинасини бошқариб, ўзларича пойга ўйнашган. Улардан бири пиёда йўлагидан ўтаётган ўқувчи – қизалоқни уриб юборади. Ҳаётда ҳали ҳеч нарсага эришиб улгурмаган, орзу-ниятлари мўл бўлган ёш қиз босар-тусарини билмаган “ҳайдовчи” сабаб бу ёруғ дунёни тарк этди. Бу аянчли ҳолат кенг жамоатчиликнинг ҳам жиддий эътирозига сабаб бўлди. Ахир қизалоқнинг ота-онаси, яқинлари қанчалар оғир аҳволда қолгандир?

Афсуски, баъзилар спиртли ичимлик ичиб автомобиль бошқаришади. Бунинг натижасида кўплаб авариялар содир бўлади. Ҳозирги кунда ҳар бир қоидабузарлик учун муайян жарима белгиланган. Шу жумладан, ичкиликка ҳам маъмурий қамоқ, базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваригача жазо қўлланилади.

Йўллардаги ўлим билан якунланаётган кўнгилсиз ҳодисалар ва авияларни оддий ҳолат деб, уларга бефарқ қараб бўлмайди. Замоннинг ўзи уларга ғоят жиддий эътибор қаратишни, ҳар бир нохуш ҳолат бўйича жиноятга йўл қўйган ҳар бир шахс қонуний жазоланишини тақозо этади. Чунки ўртада энг мўътабар зот, яъни инсоннинг тақдири, ҳаёти турибди.

Ҳайдовчиларнинг энг асосий камчиликларидан яна бири йўлларда хавфсизлик камарларини тақишдаги қонун-қоидаларга амал қилмасликдир. Улар орасида хавфсизлик камарларидан асосан тезликни аниқловчи камераларга яқинлашганда фойдаланиш одат тусига кирган. Бундай қилиш, албатта, нотўғри. Сабаби, жорий этилган чора-тадбирларнинг барчаси ҳайдовчилар ва йўловчиларнинг ҳаёти, хавфсизлиги учун, уларнинг ўз мўлжаллаган манзилларига соғ-саломат, тўрт мучаси соғ ҳолда етиб олишларига қаратилган. Шуни унутмасак бўлгани!

**Муҳаммадсодиқ ТЎРАЕВ**

Hurriyat
Mustaqil gazeta

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси

Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
*Баҳоси келишилган нархда*

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Адади: 3 109
Буюртма — Г-1144
1 2 3 4 5 6
Топширилиш вақти — 21[00]
Топширилди — 22[10]

**Телефон:** (71) 244-32-68, 244-32-91
**Тел-факс:** (71) 244-32-80
**Реклама ва маркетинг** бўлими: (71) 244-32-70

**Манзилимиз:** 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Э.Ёдгоров томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-0680

*Обуна индекси: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233*

Навбатчи: И.Асилбеков. Мусаҳҳиҳ: З.Ҳасанова.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.